Абдужалил Қутбиддин

# БАХТЛИ ЙИЛ

Шеърлар



АБДУВАЛИ ҚУТБИДДИН


# БАХТЛИ ЙИЛ

Шеърлар

Muhammad Siddiq
kutubxonasi.

17.06.2017, Farg'ona.

@Muhammad_Siddiq




Тошкент
Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти
1991

Уз
К 85

*Ушбу китобимни бобом Қутбиддин Муҳиддин ўғли хотирасига таъзим ила бағишладим.*

**Қутбиддин, Абдували.**
Бахтли йил: Шеърлар.— Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1991.—136 б.

Тиниқ сувга термулиб ўтирсанг юрагинг орзиқиб кетади, одам. Кўнглинг равшан тортади, кўзинг яшнайди. Абдувалининг сумбула сувидай тиниқ шеърларига кўнгил кўзи билан разм солинг, эҳтимол шунда уларнинг туб-тубига яширин жавоҳирларни кўрарсиз.
Топган ҳайратингизнинг умри узун бўлсин.

Кутбиддин, Абдували. Счастливый год.

Уз2

К $\frac{4702620202—116}{М\ 352(04)—91}$ 32—90

© Абдували Қутбиддин, 1991 й.

ISBN 5-635-00486-5

* * *

Она сигир уфқнинг
Яйловида ўтлайди
Елинлари тирсиллаб.

Камалакнинг ҳазони
Нигоҳларда пишмайди,
Юрагимда чарсиллар.

Фақатгина серфироқ
Бир гўшада келинчак
Пиқир-пиқир йиғлайди:

— Она сигир, дуо қил,
Мен бўлай оғироёқ,
Бўлиб кетдим ахир сил.

Камалакнинг хазони
Нигоҳларда сирганар,
Она сигир маърайди,
Келинчаклар тўлганар.

Ва тонг пайти, тонг пайти,
Тушлар келар ғаройиб.
Жажжигина бармоқлар
Талпинади, мулойим...

Она сигир уфқининг
Яйловида ўтлайди
Елинлари тирсиллаб.

*1981*

* * *

Лайлатулқадрлар ерга қўнгайдир,
Ҳар қарич тупроқда анқо унгайдир,
Ҳар лаҳза кўриниб шамол янграйдир,

Бахтли йил келадир,
Бахтли йил.

Тангри бор бўлса гар жамолин очар,
Қуёш абадият сувларин сочар,
Фано тугунланган сеҳрини очар,

Бахтли йил келадир,
Бахтли йил.

Ер у осмон аро ойна қопланар,
Ёмғирлар ўрнига ёғар шароблар.
Бани одам балким қўрқмай шодланар,

Бахтли йил келадир,
Бахтли йил.

Мендек аҳли ҳоллар тўпланиб йиғлар,
Сандувоч бағрида, ўртаниб йиғлар,
Ўртада ўлимлар тебраниб йиғлар,

Бахтли йил келадир,
Бахтли йил.

*1988*

* * *

Уялиб — туғилдим,
Уялиб — яшадим,
Уялиб — ўлармен.

*1979*

## ЧОЙХОНА

Фамил чой, кўк чой, шир-шир-шир,
Пиёла лиқ тўла, лиқ-лиқ-лиқ.
Бир лаҳза баридан кеч-кеч-кеч,
Ёнбошла болишга, ич-ич-ич.

**Ич-ич-ич.**

Умр-ку чой каби шириллайди,
Бир маром оҳиста лиқиллайди.
Армонли дунёдан кечиб бўлмайди,
Барини, барини ичиб бўлмайди.

Бас-бас-бас.

Чойхона, чойхона, чой-чой-чой,
Кўрпача солинган оҳанрабо жой.
Во дариғ, во дариғ дутор овози
Чорлайди, келади баҳайбат мозий.

Дод-дод-дод.

Чойхона қайнаган жон-жон-жон,
Чой асли чой эмас, қон-қон-қон.
Қалбимни бўлишдим, улфатга тўлдим,
Дастурхон устини тўлдириб қўйдим.

**Ол-ол-ол.**

Фамил чой, кўк чой, шир-шир-шир,
Мен сенга айтаман сир-сир-сир.
Пиёла тубида дил-дил-дил,
Куйса ҳам яласин тил-тил-тил.

Жим-жим-жим.

*1979*

* * *

Мен шоир эмасман, мен бир фирибгар,
Мен худо эмасман,
Мен Абдували.

Мен сенга айтувдим энди ўламан деб,
Қабрим қазийман деб тонг соясида
Ва лекин ўлмадим.

Мен сенга айтувдим жуфтсиз мусича
Тақдим этганида жужуқ боласин
Ёмғирга...

Чақмоқлар олишса суюқ оловга
Уни чўмилтириб ҳам чўқинтириб.
О, афсус,
Ёлғон эди ахир ҳақиқатларим.

Ўшал мусичанинг боласин булут,
Ўраб яшинларга берди боққани.

У — Яшинқуш.
Сен соҳир жилмайдинг, сен фирибгарсан,
Сен худо эмассан, сен Абдували.
Мен ғамгин жилмайдим: — Яна бир гапим,

Она мусичанинг васияти бор:
Яшинқуш дунёни сеҳрлаб бўлгач,
Менга уфқлардан обкелар чилтор,
Мен шоир эмасман...

*1988*

## ЮСУФ МЕРГАН

*Онам хотираларидан*

Қўли йўқ Юсуф мерган
Ваъда қиларди бизларга
Катта айиқ отиб келишни.

Ғалабага тўққиз кун қолганда
Тоғларда йўқолиб кетди Юсуф мерган.
Унинг қайтишига умид йўқ,
Ҳали у айиқни ўлдирмаган.

У ваъда қилган эди бизларга
Катта айиқ отиб келишни.
Катта айиқ,
Катта айиқ,
Ғалаба келди-ю, Юсуф келмади,
Тоғлардан сўрадик: — Қани Юсуф мерган?
Тоғлар садо берди: — Қасам уради,
У ҳали айиқни ўлдирмаган!

Йиғладик оқ сойнинг сувини тараб:
— Бирор хабар борми айтинглар ундан?
Сой титраб хўрсинди, сочи шовуллаб:
— У ҳали айиқни ўлдирмаган!

Шамолни ушладик патидан майин,
Сўрадик кўрганин Юсуф мерганни,

Шамоллар хазонга теккизди тилин:
— Бизлар танимаймиз ваъда берганни...

Адирлардан сўрдик, улар индамас,
Улар нафратланар гапирганлардан.
Уларнинг тилини сигирлар еган,
Тошбўрон қилинган оппоқ тонгларда.

Умидлар сўндилар. Ўшандан буён
Тақиллар ҳар кеча эшикларимиз.
Урушда кесилган Юсуф қўллари
Сўрайди: — Қаерда бизнинг эгамиз?

Йиглайди бармоқлар, биздан эшитиб
Тоққа учиб кетар аламдийда гам:
— Юсуф айиқни ўлдирмаган,
Айиқ Юсуфни ўлдирган!

Бўкирик тинмайди қулоғимизда,
Ҳамон хотиралар бизла қилар жанг.
Мерганнинг қўллари ҳамон додлайди:
— Айиқ Юсуфни ўлдирган!
— Юсуф мерган?! Юсуф мерган?! Юсуф мерган?!
Бизларни кечиринг, Юсуф мерган!!!

Жавоб йўқ,
Жавоб йўқ...

Башорат қилади ваҳима фоже,
Армонлар юракни тирнаб ўяди.
Юсуф мерган қўллари судраб келган
Айиқлар бизларни еб қўяди...

*1980*

* * *

Ҳолсиз кўчани
Жим кесиб ўтади кўрсичқон.
Тумонлар нақадар ўхшайди унга.

Войишда ғарқ пишган узумни чўқиб
Чумчуқлар чайқалар муниса.
Нақадар ўхшайди улар узумга.
Тумонни итариб ҳайдар шамоллар,
Чумчуқлар йўқолар кўмилиб сутга.
Шамоллар нақадар ўхшар мушукка.

Кўрсичқон айтарин тугатиб қўйди,
Энди шом келади
Нафратин тўкиб.
Кейин булутсифат юлдузлар келар,
Узумга ўхшаган чумчуқни чўқир.

Ҳолсиз кўчаларни кезар мусиқа,
Ҳеч ким ҳеч нарсани этмайди талаб.
Войишда жон берган чумчуқни кўриб
Шамолни кутади итлар ирриллаб.

Нафрат нақадар ўхшар қасосга.

*1980*

* * *

Муштлар ғазаб, мушт кўтарасан,
Девордай юксалар келажак.
Булутларни кесиб борасан,
Нигоҳингда ёнади Юрак...

Муштлар ғазаб, муштлар шиддаткор,
Зарбалар умрига, айланар умринг.
Соянгга санчилиб югурар
Изларингда ўзганинг умри.

Муштлар ғазаб, муштлар бетоқат,
Сукунатни ямлайди Нидо.
Кўрсаткич бармоқдаги ҳақиқат
Йўлларга чўзилган Илтижо...

Муштлар ғазаб, муштлар қаҳридан,
Баҳор бўлиб, кириб келасан.
Уфқдан уч қадам нарида
Қулларингни чўзиб ўласан.

Пичоқ йўқ...
Қилич йўқ...
Милтиқ йўқ...
Томирларинг ёрилган ўзан,
Қотилингнинг тилларида ўқ,
Ханжар санчар кўринмас одам.
Муштлар очиқ. Илиқ панжада
Нафасларнинг совийди қаҳри,
Уфқларнинг ёруғ исканжасидан
Қуёшга ўтади ўзганинг умри.

*1979*

## ГУЛЧЕҲРА

Жуда хурсанд эдик Гулчеҳра,
Завқланиб-завқланиб кулардик.
Попук қиз, қўғирчоқ, қўнғироқ овоз,
Қизиқ-қизиқ ўйинларни топардинг.
— Келин-куёв бўламизми?
Илгакни тушириб қамалардик
Оёқ учида бир-бир одимлаб.
Бурчакка ўтқазиб аста сочимни
Силардинг, тортардинг, силардинг:
— Ҳозир бошингдан ўпаман,
Киноларда кўрсатишади...

Вой-войлаб юборардим тиш ботишидан,
— Гулчеҳра, оғриди-ку?
У бўлса куларди: — Ўпса оғрийди-да, оғрийди-да...
Айтарди: — Эру хотин бўламиз катта бўлсак,
Пул ишлаб бозордан бола оламиз-а?
Узоқ-узоқ шаҳарларга бориволиб,
Масза қилиб учаламиз юрамиз-а?
Мен нодон тушунмасдим: — Хотин дегани нима?
Пулни энамдан сўрарман-а?
У бўлса куларди:
— Энам отамни урушса,
Эримсиз боқинг, дейди.
Сенам мени боқасан-а, боқасан-а...
Ўзимдан ўзим илжайиб юрардим,
Ўзингдан ўзинг жилмайиб юрардинг,
Жуда хурсанд эдик, Гулчеҳра!
Йиллар жаври баддир — улар қароқчи,
Бизнинг бор-йўғимиз шилиб олдилар.
Бозорларда болаларимиз
Сотилмасдан қариб қолдилар.
Бир-биримиз унутдик — тақдир
Йўлимизни чирмаб боғлади.
Сени қаттиқ қўмсаганимда
Сочларимда қўлинг йиғлади.
— Сен мени боқмадинг-га, боқмадинг-га...
Кўкрагимни тишлар азоблар,
Вужудимдан армон анқийди.
Жуда хоҳлаб қоламан шунда
Бошгинамдан тишлашларингни...
Оғриқларни сезмай бахтиёр
Сени қучгим келар,
Титраб сўрагим:
— Нега менга хотин бўлмадинг,
Нега бизнинг болаларимиз йўқ?

*1981*

## ВИСОЛ КЕЧАСИ ҲАҚИДА ҚЎШИҚ

Бу кеча
Тонгнинг иси келган лабларингда
Лайлаклар фарёдин тингламоқ насиб.

Бу кеча
Хизр таёғи теккан
Осмоннинг парчаси бизларга нилий.

Бу кеча
Сўқир гадонинг кафтида
Ойдин саҳро топган бизлар бадавий.

Бу кеча
Ҳеч нарсани яширолмаймиз,
Бизни очиб ташлар ёввойи хилқат.

Бу кеча
Биздан сир олади малойикалар.

Бу кеча
Ўтлиғ томирларда кўпирган ором,
Оҳиста чертади дил эшигини.
Тўлишган тўлиннинг сояси ваҳший,
Бекитар лайлаклар айтган қўшиқни.

Бу кеча
Қўлларим одамхўр ботқоқдай бераҳм.
Бу кеча
Сен ботиб кетмаган гўзал нилуфар.

*1980*

* * *

Йироқларнинг ярасини
Олиб келдими нам дуд?!
Бодомларнинг кулгусидан
Ширалаб кетдими тут?!

Осмоннинг нақ кўкрагини
Нишон қилдими мерган?!
Воҳ, ким ўлди душманга
Тегибдими енгил сас?!

Отни қайга судрапти
Зоғларга ҳурган лайча?!
Ўқ товушига осилиб
Қайга кетди Мерганча?![1]

*1983*

* * *

Дингиллаган тулпорим,
Довон ошар, тоғ ошар.
Эгарига
Қўнволиб
Хаёл суради қушлар.

Ўтлоқларда чирқираб,
Гиёҳлар сарғаюрлар.
Ярим йўлда ҳирқираб,
Садолар
Қарғаюрлар.
Етолмаслар, чоп тулпор,

---

[1] Мерганча — Ургут районидаги қишлоқ.

Сағринингдан нур тушар.
Эгардан
Қуламаса
Чин бўлажак кўр тушлар.
Ёху,
Сенга писпирма
Қўйиб безараяр қуюн.
Дингиллаган тулпорим,
Ўйин тушиб бер,
Суюн.
Қуюнларни уйғотдинг,
Дингиллашар шубҳасиз,
Садоларни
Янчгайлар,
Қуюнларни
Янчгайлар.
Тақасиз ҳам, тақасиз...

Тулпорим-ов, Тулпорим!

*1982*

## ЙИГИРМА ТЎРТ СОАТ

*(Ўт-ўланлар устида бир кун)*

### 1

Қалбнинг бўм-бўш ўраларида
Ниш уради ўту ўланлар
Ва кўкракнинг деворларида
Уйғонади тунги одамлар,
Қучоқларга кўкни тўлдириб,
Чақиришар гўзал кундузни.

Пирпираган киприкларида
Улғайтишар чароғ юлдузни.
Шунда юрак кенгаяр, кўм-кўк
Сайҳонликка қолади ўхшаб.
Шунда ундан ўтишар, тўп-тўп
Чумолидай ўрмалаб тошлар.

## 2

Томирларим гупурар гуп-гуп,
Кунчиқардан лайлаклар келар.
Турналардай қатори кўп-кўп,
Баҳор билан малаклар келар.
Энди мавсум — тараллабедод,
Энди шодлик уфқ тусида.
Энди севги нималигини
Айтиш мумкин сув парисига.
Чайқалади, тарқалади сув —
Тилла балиқчалар ва бир қиз,
Кўзларимда сузиб юришар...
Энди буксам букилмайди тиз.

## 3

Миянинг ҳам каваги бордир,
Лойқа, шиллиқ қуртлар кўлмаги
Ва ўша ер кинҳасадзордир,
Кўкаргандир шубҳа данаги.
Миянинг ҳам ўз арши бордир,
Нақш урган меъмори — поклик.
Имон деган мадрасасида
Сураси шу: м-а-н-г-у сев-моқ-лик...
Эртаю кеч пичирлайман мен,
Қаваклари чўкар миямнинг.
Эртаю кеч пичирлайман мен,
Ранги ўчиб борар соямнинг.

## 4

Енгилгина саслар қуйилар
Узилган қуш патлари каби,
Олам кўҳна чолғусин чалар,
Ўз-ўзидан титрайди лабим.
Тунлар она каби меҳрибон,
Уйқу тугар туш рўмолига.
Юз мингинчи эртагин айтар,
Юз мингинчи Абдувалига.

## 5

Ўргимчаклар тун чуғларини
Ўчиролмай силкинар ғалат.
Чумолилар нигоҳларидан
Қийналади бечора дарахт.
Чигирткалар сакрар, қай бир он
Ой нурига олар илиниб.
Қурбақалар сакрар, қай бир он
Ой нуридан кетар шилиниб.
Чумолилар инграйди узоқ,
Ифор кетар зангори кўшкдан.
Бу дунёнинг сўнгига тузоқ
Қўйилгандир қай бир эшикка?!

## 6

Булутларнинг сийнаси оғир,
Тешиб тушар қайноқ ёмғирлар.
Бош кўтармай умрини ғажир,
Боши эгик танбал сигирлар,
Мингоёқлар бижғиб тўпланар,
Чуввос солар майсалар бир зум.
Еллар пода бўлиб ўтлайди,
Юзларини яширар узум.

Чумчуғи кўп осойишталик,
Қувонмоқни балки ўргатар,
Барг ёзмасдан қолган куртакни
Тебратади бешиктебратар.

## 7

Қалтирайди серхаёл кўча,
Ёқалари эзилган, тиртиқ.
Ярим тунда дарёга борар,
Чўмилади, бош-охир шилтиқ...
Тошлоқ қирғоқ бўйлаб юрган чоқ,
Дуч келади бадмаст арвоҳга.
Ириётган каллани қучиб,
У май ичар тинимсиз оҳлаб.
Регистонга қочади кўча,
Одамларни борар тўнтариб.
Улуғбекнинг қабрига борар
Ва юборар уни қўпориб.
Қайтиб чиқар ваҳший, қасоскор,
Думалатиб бошларни чопар.
Тошлоқ қирғоқ бўйнида эса
Туман-туман арвоҳлар ётар...

## 8

Тамоқларим қақрайди, қуврар,
Муҳаббатсиз жонима жоним.
Йиғлайдими ҳеч ниначилар,
Йиғлайди-ку ниначи жоним.
Тебранади ғуж-ғуж қўнғизлар,
Чироқларга ташланар мафтун.
Қайга кетсин иложсиз кўзлар,
Қорадан-да, қора бўлса тун.

Хомишаклар чақар тинимсиз,
Чойшабимда ғуж-ғуж каналар.
Ухлаяпман, ёлғиз, севгисиз,
Кўкрагимга тўлган ниналар.

**9**

Қуракларим оғрир эзилиб,
Этларимда оғриқ буғриқар.
Гўё танам кетар бузилиб
Ва чувалчанг чиқар, ҳаприқар.
Йўғонлашар, ҳуррам ликонглаб,
Жиз-жиз куйиб, тили чиқиб дер:
— Қуёш-қуёш менга жилпангги,
Оловингнинг қаъридан жой бер?!

**10**

Учиб кетди майсалар завқи
Титраб кетди бу момиқ тахтим.
Совуқ қотиб, дилдирар карахт
Хаёлимнинг улкан дарахти.
Зоғлар қўйган унга ғамуя,
Қўнган қайғутумшуқ қарғалар,
Қаердандир кеп қолган туя
Кўзларимга хезланиб қарар.
Ҳайдай десам мудрар қўлларим,
Ёпай десам кўзим ёпилмас.
Қочай десам беркдир йўлларим,
Очил десам осмон очилмас.

**11**

Атиргуллар ғудранар гоҳи,
Оч қизғимтир чиқарар тутун.
Тутун аро буралар оҳи,

Элас-элас чалғинар учқун.
Атиргуллар ғудранар гоҳи,
Тўқ-саргимтир сачратади сув.
Қўйлаклари ялтироқ, шоҳи
Элас-элас чалғинар сулув.
Атиргуллар ғудранар гоҳи,
Уясини бузади илон.
Атиргуллар ёнида гоҳи,
Элас-элас чалғинар армон.

## 12

Юрагимнинг сайроғи, о бас,
Чувалмоқда тўқсон томирим.
Кекирдакдан чиқолмас нафас,
Чилвир билан боғланди умрим.
Эмассан-ку қумри, э юрак,
Нима керак булбулга ҳавас.
Нега мени қиласан эрмак,
Нега сўраб қолдинг зар қафас?!

## 13

Гувуллайди майсалар беҳол,
Букилади, ларз-ларз тикланар.
Шундоқ уват лабига қўнган
Ой қайгадир узоқ тикилар.
Терлаб-пишиб лоҳасланар ит,
Қўзлари ҳўл, жим мўлтирайди.
Шундоқ ҳовуз четида туриб,
Ой қайгадир узоқ қарайди.
Бойқуш бошин яширар қўрқиб,
Юмронқозиқ тўхтар, йиқилар.
Шундоқ баланд дарахтга чиқиб,
Ой қайгадир узоқ тикилар.

## 14

Талвасада чорбоғ, уфқнинг
Таёқлари қорояр секин.
Ариқчалар оқизаётган
Гардлар ботиб кетади секин.
Юлдузларнинг жириллоқ мунги,
Теваракда қорамтир кепак.
Чангу чунгу тупроқда ётган,
Ҳанграй деса, ҳангролмас эшак.

## 15

Барра-барра майсалар уйғоқ,
Тарам-тарам ғарамлар тирик.
Бирам-бирам бедазор титроқ,
Нега одам қолади ўлиб?
Дикир-дикир узилган япроқ,
Шалдур-шулдур ҳовузлар тўлиб...
Дақиқалар нақадар узоқ,
Нега одам қолади ўлиб?

## 16

Ҳузурланиб қизғалдоқларга
Сир айтувдим кулди пиқирлаб.
Шама қилдим исмалоқларга,
Шапатилаб кулди пиқирлаб.
Бармоғим-ла чертдим олмани,
Уялдими олди қизариб.
Қучоқласам бели толмани
Рашкиданми кетди бўзариб.
Ҳузурланиб қўлимни чўздим,
Қўлларимни синдирди шамол.
Гуноҳим не, шоҳларин силкиб
Қарғаяпти мени мажнунтол.

## 17

Қодир фазо сайёраларин
Нега отиб тирқиратади.
Ва беадад қора кунларда
Бир-бир ёриб зирқиратади.
Уйқум сағир, кўзларим безган
Етармикан тонгга бардошим.
Қодир фазо эзгани-эзган,
Лўқиллайди бетиним бошим.

## 18

Тўшалади узоғу яқин
Мисли гилам оёқ остига.
Ўртасига етганинг заҳот,
Ою қуёш олар дастига.
Кўрсатишар сенга оҳуни,
Яғринида саноқсиз ҳанжар.
У қочади кечаю туни,
Орқасидан қувалар аждар.
Сени пастга туширишади,
Яна пастлик, яна масофа,
Гўё сен ҳам оҳуга ўхшаш,
Гўё сен ҳам ўша касофат.

## 19

Аравага кишнаб қўяр от,
У ғижирлаб беради жавоб.
Арқонини туртиб қўяр от,
Бўйнин баттар сиқади каззоб.
Майсаларга кишнаб қўяр от,
Майсаларга тошади тикан.
Юганига кишнаб қўяр от,
Тасмасини кўрсатар юган.

Теракларга кишнаб қўяр от,
Калтакларин ўқталар терак.
Ўз-ўзига кишнаб қўяр от,
Кўкрагида пишқирар юрак.

## 20

«Боларига айлансам
Гулбаргида мизғисам».[1]
Майли кейин бир умр
Тиним билмай изғисам.
Уфқларнинг қаърида
Озроққина мудрасам.
Майли кейин бир умр
Тиним билмай судралсам.
Чиғалайдай бирор бор
Сув изида кўз юмсам.
Майли кейин қайдадир
Ҳамма қатор кўмилсам...

## 21

Дўнглик пучмаяди, устидан
Ағдарилар пачоқ тоғора,
Юмалайди унинг ичидан
Қотиб қолган қаттиқ зоғора.
Юмронқозиқ бошини бурар,
Илон тикка турар ўрнидан.
Ҳўкиз шошиб шоҳини эгар,
Недир тегиб ўтар қорнига.

---

[1] Бу туркумни ёзганимдан анча кейин Л. Н. Толстойнинг «Ҳожи Мурод» қиссасида моҳиятан шунга яқин ташбеҳни учратдим.

Дўнглик қайта дўнгланар, яна
Пайдо бўлар пачоқ тоғора.
Яна унинг ичига кирар
Қотиб қолган қаттиқ зоғора.

## 22

Сайҳонликда бошланди базм,
Ўт-ўланлар шитирладилар.
Ҳатто ернинг тагидан қуртлар
Ун чиқариб қимирладилар.
Нову новда урди шақ-шақа,
Қушлар аланг-жаланг учдилар.
Косасидан чиқди тошбақа,
Тоғ гуллари пастга кўчдилар.
Типратикан ниналарини
Юмшатади, узатар қўлин.
Унутганча таъналарини
Қўйга ўхшаб маърар йилдирим.
Сайҳонликда бошланди базм,
Ўт-ўланлар шитирладилар...

## 23

Товусгинам, товлангин, товлан,
Дунёсидан кўнглим кўп қолган.
Рангин, рангин кўрин, оловлан,
Қачонлардир севгим йўқолган.
Товусгинам, товлангин, товлан,
Юрагимни қўяй ухлатиб.
Дунёсидан қўл силкиганман,
Ҳеч нарсани бўлмас тўхтатиб.
Товусгинам, товлангин, товлан,
Ун тўққизга кирайин тағин.

Дунёсидан кўп алданганман,
Эсиз севгим, қайтсайди тағин.

Товусгинам, товлангин, товлан...

## 24

Хаёлимни чақирдим, ҳой-ҳувв
Етар энди, роса йиғладик.
Кўзларимни чақирдим, ҳой-ҳувв
Етар энди роса қувнадик.
Чумолидек юрдик дарахтда,
Ўлан бўлиб сайҳонда ўсдик.
Баҳри шафақ аро ой қайиқ
Суздик кулиб, қайғуриб суздик.
Кетдик энди, қайтинггиз, ҳой-ҳувв,
Телба хаёл, девона кўзим!
Қай дунёга кетдингиз ҳой-ҳувв,
Қай дунёда қолдим мен ўзим?

*1979—1983*

* * *

Қалқиб кетар тун юзи,
Учиб чиқади тушлар,
Ўз оташида куяр
Ох, шўрлик қизил қушлар.

— Денгиз нега бунча шўр?

Қалқиб кетар камалак,
Рангин учади андуҳ.
Оҳ, тилла балиқчалар
Камалакнинг йиғиси.

## —Денгиз нега бунча шўр?

Қалқиб келади булут,
Кўтарар ой бошини.
Ўкириб шамол келар
Сўраб синган тишини.

— Денгиз нега бунча шўр?

Қалқийди кўршапалак,
(Тирналар қоронғулик.)
Кўзларидан тирқираб
Оқиб тушар ёруғлик.

— Денгиз каби бунча шўр...

*1981*

* * *

Сен дединг: — Сен шамол,
— Мен шамол.

Айтдинг:— Ёруғлик келади, сен Қуёш,
Айтдинг: — Совуқлик келади, сен бир тош.
Айтдинг: — Қўрқаман, сен қора кеча,
Айтдинг: — Сен охири йўқ, бир кўча.

Шивирладинг: — Бари бир севаман,
Қичкина бағримга бирга кираман.
Сочларимни нурларингга бераман,
Ҳар кеча юлдуздай термуламан.

Шивирладим: — Мен охири йўқ бир кўча,
Шивирладинг: — Майли юраман адашиб.

Сочимни товлатиб
Ёзиб юраман.
Кўзингни товлатиб
Узиб юраман.

Фақат сен — шамол
Фақат мен...

*1980*

* * *

Булутни чувиб ташлар,
Калава тортар шафақ.
Заранг этик кийволиб

Юлдуз ўтар
Тақа-тақ.

Уфқ майин матодир,
Ўраниб ол, ўраниб,
Кўражаксан албатта,

Коинотнинг
Отини.

Қишнашини эшитгин,
Ҳалқаланар ҳавода,
Умринг энди бир лаҳза,
Лаҳза-лаҳза дунёда...

*1986*

## ОТАШИН ИШҚ ШЕЪРИ

Мен чуқур қазийман, чуқур гўр,
Севгилим мен билан кириб кўр.

Тикандин ясалган сирли уд,
Чалинса торидан чиқар дуд.

Бошингдан ташланар шаффоф тўр,
Ўргумчак шаклида куйлар ҳур.

Кафтимни чўзаман, иссиқ сас
Оғзимдан узилиб кетар маст.

Типирлаб-типирлаб қони чош,
Юрагим оҳиста бўлар тош.

Ҳур ёниб тарошлар ўткир нур,
Йўнади ёлғизим қараб тур.

Тикандин ясалган сирли уд,
Чалинса, торидан чиқар дуд.

*1983*

## АҲАД ДЎСТИМНИНГ ҲАСРАТИ

Дўстим Аҳад хаёлпараст. Уйдан навбатдаги «қочишдан» қайтиб келганида:— Кўнглим эзилувди томоша қилиб келдим, деганида ҳеч ким ишонмади.

Ким ҳам ишонарди менга бу дафъа,
Ҳаво бор.
Сув бор.
Нон бор.

Олис водийларни симириб келган
Ҳаволар мусаффо, тўйиб ютаман.

Лекин улар келган ботқоқлар бўйлаб,
Мен ҳазар қиламан қурбақадан.

Сув оқар тоғларнинг чучиган қони,
Ҳовучлаб ичаман тўйиб, қониқиб.
Лекин улар тўлган дарёлар билан,
Мен сендан қўрқаман чўртанбалиқ.

Буғдойлар кутади кўҳна тегирмон,
Тандирга оловлар тўш уради, тўш.
Нонлар бирам хушбўй, бироқ баъзида,
Сенинг ҳидинг келар ундан каламуш.

Менинг кўнглим бугун жуда эзилди,
Ҳаво бор,
Сув бор,
Нон бор...

*1981*

## ЧОЛ ВА УЧ ЎҒЛОН ҲАҚИДА ЭРТАК

### 1

Ёйандоз ёйини отди,

Саробнинг сеҳрли манглайидан
Қон оқди, қон оқди.
Бир кулба, уч ўғил ва қариган чол.
Пайдо бўлиб қолди ранглар лойидан.

— Бу кулба энг катта йўллар бошида,
Ғамлару фараҳлар кўзу қошида,
Ҳам сабру қаноат тошида ҳарсанг,
Ҳам чолга тўртинчи жони йўқ фарзанд.

Донолар соқолин чангаллаб юлиб,
Осмон судраб кетар тиш кавагига.
Одамлар қўйнига дунёни солиб,
Болу туз, сут қуяр ер жўягига.

Чол эса уч ўғлин кулбага жойлаб,
Бешикдай тебранар шамол базмида.
Уч ўғлин оёғин сафарга отлаб,
Кўзларин беради нурлар азмига.

Бир ўғлин бошини олиб қўяди,
Яшириб қўяди кўрпа тагига.
Бир ўғлин юрагин олиб қўяди,
Авайлаб қўяди тилин тагига.

Бир ўғлин қўлларин қулфлаб эшикка,
Кичкина кулбага яширади жон.
Сафарга жўнайди олтита оёқ,
Бошсиз, юраксиз ва қўлсиз ўғлон.

### БИРИНЧИ ЎҒЛОН САФАРИ

Омадин кўзлайди, фалак соясин,
Бошсиз танасига ўрнатиб сархуш.
Тополмай дарёлар ниҳоясини
Балиқлар ҳайдайди, ҳуркитади қуш.

Ҳўкизлар подаси билан ўтлайди,
Маймундай сакрайди дарахтма-дарахт.
Ориқ елкасига минар бошлиқлар:
— Бу сенга азизим энг чиройли бахт.

У эса шодумон ҳиссиз тиржайиб,
Соя қошларини ўйнатар хурсанд.
Юраги бўйида бахтиёр майиб,
Миясиз сурурда завқланар ғаранг.

## ИККИНЧИ ЎҒЛОН САФАРИ

Тонглар қучоғида бақирар ўғлон,
Тошларни отади ёвуз бўкириб.
Ўлдирмоқ бўлади ғижимлаб осмон
Ёруғ юлдузларни, тунни ўкириб.

Чавақлаб ташлайди далалар гулин,
Булбул забонидан қайнатар шўрва.
Қувгиси келади, майда-майдалаб
Чумчуқни бутоқдан, ўликни гўрдан.

Тинчиб ҳам қолади кун тўқмоғи-ла
Ақлин бошоқларин ейди майдалаб.
Тунлар фаҳмларнинг чақмоқларини
Ўшқириб чақирар она, оналаб —
Юраксиз ўғлон.

## УЧИНЧИ ЎҒЛОН САФАРИ

Қўлсиз йиғлаб борар хушрўй бир йигит,
Гулларни узади тишлари билан.
Бир лаҳза ҳидларни қучоқлаб олиб,
Лабига босади гулбарглар, тикан.

Тирқираб қон оққан лабларин артар
Сарғайган майсалар кокилларига.
Жон кирган майсалар сайроғин тинглаб,
Юрагин куйлатар ўт тилларида.

— Қучоқлаб олсайдим бутун ер юзин,
Бўсалар олсайдим пешонасидан.
Бўғилиб ўлишга рози эдим мен,
Ҳалол муҳаббатнинг кошонасида.

### ХОТИМА

Сафарлар қариди энди кулбага,
Мункайиб қайтади қари ўғлонлар.
Улар қайтиб келар ҳамон етолмай,
Ҳамон ўз рангида турар осмонлар.

Чол эса кулбада эриб тугади,
Ўғлининг юрагин шимиб берди жон.
Кўрпача тагида қолган калланинг
Сочлари пўстакка айланди, тамом.

Эшикни қулфловчи қўллар эриди,
Кулба ёлғиз қолди, ёлғиз серрайиб.
Терисиз панжалар ўқловга ўхшаб
Беш улкан тарафга қолди бақрайиб.

*1980*

## ҲУРСИНИҚЛАР...

*Ғафур Ғулом хотирасига*

Менинг ҳеч нарсадан камчилигим йўқ,
Отам бор, онам бор жўраларим бор.
Баъзида хурсандман, баъзида ғамгин,
Баъзида мозорман, баъзида бозор.
Менинг ҳеч нарсадан камчилигим йўқ,
Қарзим йўқ тоабад мудроқ оллодан.
Дўстим Аббос билан менга тараф йўқ.

Мағрибу, машриқу, бутун дунёда...
Менинг ҳеч нарсадан камчилигим йўқ,
Мозорман: чумоли — қумурсқалар сас.
Ширин тушларимда мудроқ тасалли:
Ўлганлар ёмонлик ҳеч раво кўрмас.
Менинг ҳеч нарсадан камчилигим йўқ,
Қоронғу гўшада ёнар шамчироқ.
Баъзан Умар Хайём май сўраганда,
Бўм-бўш кўзаларга тўлади тупроқ.
Бедилхон боболар хокини суртиб,
Оғирлик босурман шартаклигимга.
Баъзан кўзим чангдир, баъзида тоза
Асти ор қилмайман ўзбеклигимдан.
Менинг ҳеч нарсадан камчилигим йўқ,
Бозорман: хилма-хил меваларим бор.
Ғарқ пишган тарвузга ўхшаган қуёш,
Шўракдай кичкина юлдузим-юлдуз...

## 2

Ўрмоннинг сояси каби дилдираб
Тун чўкар қарағай ингранганидек.
Йўлбарслар панжасин қонатар нола,
Бўзтўрғай товуши қирқилганидек.
Шивирлар, ўрмалар — майса сояси
Силайди ғалаён тухумларини.
Тўлдириб судралар — намликни ютиб,
Кундузлар бемажол — армон хумлари.
Кечаги хаёлни қайтариб бўлмас,
Тулпорлар дупурлаб қайтмаганидек.
Манглайга тақдирин қириб ёзолмас
Ҳеч ким, «Мен боқий» — айтмаганидек.

## 3

Эслайсан, хотирнинг хассаси бўлар,
Суянгинг келади нигоҳинг билан.
Қимсасиз кимсадай камбағал руҳинг

Эзилса, ўзингга ёлбориб тилан.
— Баланд бўйлик,
Чусти дўпписи
Ва яна нимаси аллақаери...
Ҳа, энди эсладим тиниқ юзлари...
Далалар чўзилар тиланиб оҳкаш,
Мурувват тўкилар оқликдан азиз.
Фархунда тилакка тиқилган шоҳкаш,
Баъзан чиқармайди ёдингни, эсиз.
Интиҳо туясан фарсаҳларингда,
Ортингга қарайсан баъзан бўзланиб.
Тиришган хотиринг қийноқларингда:
— Ҳа, энди эсладим тиниқ юзлари...

## 4

Париллаб учади... хомуш фасллар,
Хиёбон кузатар чумчуқчаларни.
Фалсафа: йўқолмиш дилда ҳарсиллар
Излайди ўзинмас, сени — дигарни.
Топиб ҳам олади, сўрайди кескин:
Ҳалолмисан ё йўқ мавжудлигингга.
Нужум сирларини билмайсан, лекин
Кўрмайсан нима бор тубсиз ичингда.
Ўша бор,
Туйғу бор,
Умр бор,
Аёлу эркак.
Ўзим бор, ўша бор, яна ўша бор...
Ҳайқириқ ухлайди, ўраниб хасга,
Юлдузлар кўчганда ёқилар у ҳам.
Пиёда ўтамиз баланду пастдан,
Эй, бағрим, сен одам, мен одам,
Умримиз баҳам.

## 5

Поёндоз тўшалар — фикринг тўшалар,
Очуп қидиргани чиқади мақсад.
Минг йиллик зулматдан номсиз ҳужайра
Бўшалар.
Билмайсан: Нима у,
Ким у,
Дономи, эшшак?
Бир оз суҳбатлашиб оласан дилдан,
Ёлғонлар нуқийсан пардама-парда.
Ғариб парвозингдан толиқиб маъюс,
Қулайсан илҳоминг қоқилган жарга.
Ўртаниб куйлайсан:
Даврон муборак,
Содиқ садоқатни куйдиринг тилда.
Энг фозил севикли муҳаббат ила
Юракни қўлтиқлаб чиқингиз йўлга.
Йўлга чиқингиз, ҳей!

## 6

Чилдирма чалади
Ер шар-шараси,
Шариллаб оқади оқу ва қора.
Дастгоҳ ғириллайди тикиб бўлинар
Бир бўлак, бир қарич ва битта пора.
Танлаб олажагинг
Ўлчаб кўр, ўлчам
Сени қамраб олса нурни беркитиб.
Йиртиб ташлагину
Ўт қўй барига —
Зулматни тепиб кет, тепиб кет, тепиб.
Менга ҳам ўлчам бор,
Лаънати иблис,
Қамаб қўяр баъзан қутулолмайман.

Лекин ишонаман мен сенга —
Бир бўлак, бир қарич ва битта пора —
Шоирим!
Ҳеч қандай ўлчамга сиғмаган танга.
Куйлайвер вужудда қолмасин вақо
Ва жим турмасликка тополгин чора.
Шеър ўқи,
Тешилиб йиртилсин ўлчам
Ҳам бўлак, ҳам қарич, ҳам битта пора.

## 7

Менинг сиймитарим, сенмидинг торим,
Лахта-лахта қон симирган
Ошуфтаҳолим сенмидинг.
Тунлари бехоб ўтирган ёлғизгина хушторим,
Ним озурда, ним бахтиёр
Девона ҳолим сенмидинг.
Билмадим, менда гуноҳ,
Ё сендадир айбу абас.
Эй ғаддор, чархи фалак
Битта гуноҳкор мен эмас.
Менинг сиймитарим сенмидинг, торим,
Узилиб, уланган ришталаримга.

## 8

### ЗИЁРАТ

Чиғатой ухлайди, соқов гапирмас,
Фақат Ғафур Ғулом солади шовқин.
Шафтолу ғарқ пишди уни узинглар,
Кимнидир ўртаниб соғиниш учун.
Шафтолу узинглар Чиғатой соқов
Занглаб чирияпти баданида ўқ.
Муқаддас гўрларда ёнмоқда олов:

Бизнинг кўр дунёда ҳеч камчилик йўқ.
Бизнинг кўр дунёда жимжитлик ҳукм,
Ой куну, куз — баҳор, ҳамда саратон.
Бизлар тўққиз оймас, йиллардан ўтдик,
Бизни туғолмади она қабристон.

**9**

Елдирим мисоли тутқичсиз фурсат,
Ҳатто зиёрат ҳам эртага хотир.
Шоирлар юз қават ер тагида ҳам
Мағрур куйламоққа абадий қодир.

**10**

Ватан оппоқ сурфни бошига ўраб
Лайли қилар экан атри чамандан.
Улкан маъракада умрини тўғраб
Шоир дамлар экан муқаддас палов.
Она халқ таомни еб, дуо этар
Эрка фарзандига садқа эҳтиром.
Дунёдан дуога «бой» бўлиб ўтар,
Тошканди пири назм Ғафур Ғулом.

**11**

Менинг ҳеч нарсадан камчилигим йўқ,
Отам бор, онам бор жўраларим бор.
Озгина ўзбекча шеър айтгим келар,
Сад содда, девона ўзбеклигим бор.
Менинг ҳеч нарсадан камчилигим йўқ,
Минг қатла шукрим бор, озгина таънам.
Умидим деҳқоннинг ниятидай пок,
Халқимга хизматкор бўлолсам менам.
Менинг ҳеч нарсадан камчилигим йўқ...

*1984*

## УЧ ТАСВИРДАГИ ДАРД БАЁНИ

### I

Ридо тортиб олган бўшлиқ илжаяр,
Пахмайган сочида қушлар сайрайди.
Паноҳ тополмаган ёш Маликанинг
Кокилларини
Қизғиш қайроқларга чархлаб қайрайди.
Намиққан киприкда юмалоқ кеча
Осилиб туради, чирт узилади.
Салтанат хаёлу ва гўзал тушдан
Саҳар пайт силкиниб, воҳ бузилади.
Вайрона... Вайрона...
Илжаяр сўнгаксиз бўшлиқ бемаъно,
Яна ёш Малика чекади азоб.
Зарафшон сочига боғлаб қўнғироқ,
Ой мискин, чорлайди тиловатларга.
...Ридо тортиб олган бўшлиқ, бўшатар
Паноҳ топилмаган ёш асирани.
Само йўлларига ташлар қизғишранг
Қайроқлар осилган исиргаларни.
**Оҳ!**
**Малика озоддир,**
**Висол мушарраф!**

### II

Ҳоқонлар чодирин тикмаган ерда
Айрилиқ қорилар қора хамирдан.
Қуллик бошланади дилни кесгувчи
Олисда ялтиллаб турган шамширдан.
Фиғоннинг дояси айтар ўшанда
Ёлғизлик келади бузуқ, қўтиртан,
Ундан қутулмоқнинг чораси битта,
Заҳар топа билмоқ керак атирдан.

Хурмо дарахтига суянган қайғу
Маймундай сакрайди елкага, ерга.
Тиззанг қотиб қолган қимирлолмайсан,
Ютилиб борасан этхўр хамирга.
Ёлғизлик эзади аста кўкрагинг,
Жисмингни булайди балчиқ-кўмирга.
Шу лаҳза куч бердинг,
Маъюс интилдинг,
Илтижо айладинг олис шамширга.
Яшин ялтиллайди, бошинг узилди,
Заҳар топа билдинг.

Ситамгар маҳлиқо бўзлар, шифолар,
Танасиз бошингни кўксига олиб.
Муҳаббат шарбати билан даволар
Тирилгунг...
Тирилгунг...
Тирилгунг...

Ҳоқонлар чодирин тикмаган ерда,
Айрилиқ қорилар қора ҳамирдан.

## III

Хилват гўша,
Биз танҳо.
Чирсиллайди кофурий ниқоб.
Кўзларимни қайдан қидирай?

Гиламдаги
Нима у,
Ҳалқоб?..

Хилват гўша,
Олмос шамчироқ

Ёритади юзингни бир он.
Тилгинамни қайдан қидирай?

Гиламдаги
Нима у,
Илон?..

Хилват гўша,
Мушкин ҳаволар,
Бағрим лоҳас, вужудим лоҳас.
Тамоғимни юлиб олган не?

Тутаётган
Нима у,
Нафас?..

Хилват гўша,
Телба наволар
Сузиб ўтар момиқ оққушдай.
Тўхта жоним, тўкилаяпсан,

Эргашмагин
Нафис
Товушга...

*1984*

## ҒАНИ ЧАВАНДОЗ

Наҳорда қаппайган, лаллайма Ғани
Шудгорнинг кесагин тепди майдалаб!
— Ишш шундай...
Қўрқиб тариқ унар буғдойга ўхшаб.
— Ҳой Ғани, у барини кўриб турибди.
— У-ми, кўр.

Чошгоҳда ҳаллослаб челак ичидан
Зам-замни кўтариб ичар қултумлаб:
— Ишш шундай...
Гар девлар келса ҳам кетар гандираклаб,
— Ҳой Ғани, у барини кўриб турибди.
— У-ми, кўр.

Шомда ҳали ёруғ, хотинин судраб,
Пишиллаб, бағрига босар ғудраниб:
— Ишш шундай...
Ҳали ҳам беллари қизларникидай...
— Ҳой Ғани, у барини кўриб турибди.
— У-ми, кўр.

Ярим тун қишлоқда базм авжида,
У бўлса подани ҳайдар маъратиб:
— Ишш шундай...
Агар итларни ҳам қўйсам сайратиб.
— Ҳой Ғани, у барини кўриб турибди.
— У-ми кўр.
— У-ми кўр!

Ўтган йили улоқчим ўлди,
Жанозага келмади ҳеч ким.
Ҳеч ким менга тобут бермади,
Фақат ёлғиз ўзим йиғладим.
Унингданам келмади элчи...

*1984*

## ПИАНИНО

Мусиқа муаллими чалишни бошлар,
Ғалати товушлар эшитилар: кар-рам.
Колхоз клуби ютинар,
Қишлоқ бевалари ютинар,

Бир четда сулайиб тешилган тўрва,
Дастурхон ямоғин тишлаган сичқон
Ютинар: — Шўр-ва: шўр-вам, шўр-ғам...

Там-тарам-тара-ра-ра...

Қопқоғи кўтарилган оёқлари бор,
Ичида булбуллар чертаяпти тор.
Қандайдир овқатнинг буғлари,
Чирсиллар ёқимли чўғлари.
Гўё қайнамоқда каттакон қазон.

Там-тарам-тара-ра-ра...

Шипда думин чақа кетар илон,
Зўрға эшиккача етолар пашша.
Ошпичоқ ўғирлаб ғижинар кучук,
Йиғлаб ҳўл бўлар қотган тараша.

Там-тарам-тара-ра-ра...

— А-лам —
— А-лам —

Ў, бу жаҳаннамнинг портлашлари-ку,
Аланга соқолли, қабоғи ўпқон —
Шоғоллар изғирар, ёввойи қутқу:

О-на-жон!

Бевалар каптардай парилар бирдан,
Болалар тойчоқдай ташланар — олға.
Бир сакраб далага тушади ўроқ,
Бир сапчиб фалакка етади болға:

— Ва-тан,
Хавф остида Ва-тан.

Там-тарам-тара-ра-ра...

Мусиқа муаллими чалар, пианинодан,
Аскарлар саф тортиб кетар узоққа,
Қасослар ўқланиб кетар узоққа,
Ҳайқириб Бетховен, Гайдилар чиқар,
Ҳожи Абдулазиз ва яна...

Там-тарам-тара-ра-ра...

Эртага ишон, ишон...

*1983*

## ҲОЛАТ

Холим қолмади.
Денгиз наърасига дош беролмайман.
Лангар ташлай десам, бирор соҳилга
Соҳил йўқ.

Ўзимни алдашга кучим етмайди,
Сиғингим келади момочучукка.
Тупроқ эмиз десам, тупроқ жим,
Сийнаси йўқ.

Боғларга ишониб қушларни кутдим,
Сўнгги бор тақдирга ташладим қурға.
Дарёлар ичак-чавоғини ағдарди
Балиқ йўқ.
Чарчадим. Тоқатим тоқ.
Наҳот фурсат етди видолашмоққа.
Шундоқ кекирдакка ўтар устара,
Қон йўқ.

*1984*

# ТАҲАЙЮЛ

Тан оламан — яшадим.
*П. Неруда*

## 1

Ҳарир чойшаб тўшалган гулшан,
Ойдин эшик очилур мастур.
Аршдан чечак, фаршдан ёсуман
Узиб кўнгил овлайди булбул.
Наввот сувли чашма биллурий,
Ариқларда тебранар ҳарор.
Ҳар бир гиёҳ, майса зухурий
Макрларни ёд олар такрор.
Момиқ тошлар терилган йўлак,
Икки калиш — фано ва бақо.
Соя болиш, шуълавор тиргак,
Зим зиндону ёруғ хонақо.
Қабоғингнинг бирини қора,
Бирин оққа бўяган само
Сўроқлайди: қафасим аро
Қай бири дон, қай бири хумо?

## 2

Нишларини санчмоққа махтал
Ёғду қанот арилар ғужғон.
Руҳинг гули тўплаган асал
Сори учур туғли нигорон.
Тегрангда зор ўтади лаҳза,
Ларза гирён тополмай изоҳ.
Уясини кўрмаган аза
Ҳалокатдан этади огоҳ.
Нафасларинг авраб чорловчи
Сароб қудуқ қазийди чуқур.

Нигоҳингдан оҳу овловчи
Кўзгу аксинг билан ўйнашур.
Этагидан минг битта найранг
Тўккан насим овозин чақир.
Ботин сезги ипларин таранг
Тортиб чақмоқ сингари айқир.
Садо берар шунда зарнисор,
Уйғонади ломакон сарҳад.
Кафтинг очиб кўрасан, даввор
Чархи билан битиб қўймиш хат:
— Пиширгандим ерда атала,
Таладилар хому хатала.

## 3

Юрагингдан бошланган томир
Ёриб чиқар тирноқ тагидан.
Хўплагани қип-қизил чоғир
Чўзилади, гуллар баргида
Қотиб қолган минг йиллик ёмғир.

Сур хушҳоллик туясан марғуб,
Бўздай рангинг кўчар, йилтирар.
Зар эпкинли нурлар шалдирар,
Ўраб олар сени талотўп,
Яримта нон, туз, ҳамда ханжар.
Нонни ейсан белинг тош қотар,
Тузни ялаб қотади забон.
Ханжар эса чўзилиб ётар,
Яқинлашсанг суяр ўша он.
Ғазаби кўп, қара ялтирар.

Ранглар чалғир тиғнинг учида
Ашулалар айтади ўйнаб.

Ў, момонгни кўрдинг ичида,
Бешикларни майдалаб чайнар,
Дорлар силкир оппоқ сочида.

**4**

Типиқлашиб борурсан бирдан
Руҳинг — фазо,
Вужудинг — афрўз.
Сен борурсан у ёққа ердан,
Кечанг ялдо,
Субҳинг — сафодўз.
Ўлтирарсан мардона, сахий,
Ўрмалайди, таваллою оҳ,
О, қалбингни тимдалаюрлар
Ва топурлар чоҳ қазиб паноҳ.
Айт, киритдинг уларни қайга,
Бағринг недур?
Ости йўқ уммон,
Чидармисан гар келиб қолса,
Ердан қайғу ортилган карвон?!

**5**

Икки чакканг шишди,
Баҳор ёз аралаш
Этагин ҳилпир.

Икки чакканг шишди,
Биридан зардобу
Биридан ордоб
Кўзингга чилпир.

Порлаб кўраяпсан,
Қирмиз атиргул
Қимтиниб очилар,
Яралари бор.

Хира товланмоқда
Чақиртиканак,
Кана заққумларин
Сўрмоқда якбор.

Икки чакканг лўқ-лўқ
Оғрийди мард бўл.
Сен қайси чаккангга
Узажаксан ўқ.

## 6

Чексизлик, оқчарлоқ, қоя — барисин
Кемалар обкетар қайгадир узоқ.
Қонталаш уфқнинг мискин дарғаси
Жўмард саҳарларга яширар байроқ.
Ёшларнинг шўрини солиб ликопга
Йиғиб қўядилар, қалбу юраклар
Қўшилиб қайнаган маҳал офтобда,
Заминда, денгизда, қумларда агар,
Соладилар уни
Соладилар ун,
Оталар қабрини ёрар лолалар,
Туради ўрнидан боболарининг
Исмини унутган соқов болалар.

Шаҳарлар, даҳалар, боғлар — бариси
Бирин-бирин суяди, суйиб ардоқлар.
Нон кеса бошлайди пичоқлар, шунда
Мулойим тортади ғадир қучоқлар.

## 7

Ҳарир чойшаб тўшалган ватан,
Саодатли очилур эшик.
Аршдан чечак, фаршдан ёсуман.

Узиб кўнгил овлайди қўшиқ.
Новвот сувли чашма биллурий,
Зулм ўчган, ёруғ ҳонақо.
Ҳеч нарса йўқ бўлса зуҳурий,
Бахтдир ошкор
Муаззам, бақо.

Маҳобатли қасрдир олам,
Ранглар билан яшнаганини,
Кўрмай кетган муқаддас қурбон
Тан олади яшаганини.

*1984*

* * *

Ҳибс этилганман ўзимга-ўзим,
Занжиру кишаним риштам пайларим.
Қуллик тунларида ўзимни-ўзим
Озодлик кутгандай пойладим.

Тутқунман, ташнаман, очман, нигунҳол,
Қатлим номаълумдир, маълумдир азоб.
Ёлборгум гўштимни қиймалаб берсин

Ё жаллод,
Ё қассоб...

Кўзларим олайган, қалтирар қўлим
Ўра йўқ, чоҳ йўқ, жим қулайдиган.
Ҳатто кўринмайди бирорта ўлим

Қовурғамни
Майдалайдиган...

*1987*

## ҒАЙРИЙ ДАРАХТ

Наҳр соҳилида, дарахт кўрингай
Япроғи чиғалай,
Илдизи балиқ.
Ғадир-будирида тўфон кўрингай
Чайир шохларига
Илинган қайиқ.
Шу қайиқ ичида севги ўтиргай
Тиззасида довул,
Бўйнида илон.
Суяклари беранг қаҳр кўрингай,
Кўрингай
Булбулга
Ўхшаган қоплон.
Наҳр соҳилида
Ғайрий дарахтга
Интилган тошқиннинг бариси қоя,
Дарахт атрофида юрак кўрингай,
Кўрингай одамлар қолдирган соя.

*1987*

* * *

Ғарибу ғурабо фурсат тиламчи,
Сиқтайдир юлдузлар,
Таланган сарват.
Ноябрь —
Кулонкир Султондан титраган уммат.

Қароқчилар келур, изғир баднафс,
Хароб боғлар қолур эркин қушлардан.
Ноябрь
Хирмонни совуриб
Қочади, қўшилиб каламушларга..,

*1983*

* * *

Олхўри — ўрик — гилос — майиз — туршак —
Шодлик — қувонч — сурур — ҳузур — роҳат —
Меники — сеники — уники — галма-гал —

Навбатма-навбат.

Битта-битта — дардланиб — зардланиб —
Уриниб-кўрланиб — зўрланиб — гардланиб —

Мозор-га
О-зорга
Келаётганлар — бунча кўп —
Бозордан.

*1987*

## ЧУМОЛИ ВА ЖАНОБ ҲАҚИДА

### Шеър

Чумолини минибсиз жаноб?!
Уятмасми, сиз бир барзанги.
Боз устига бўласиз хуноб
Судрагандай оғир наҳангни.
Унинг эса бели ингичка,
Оёқлари қаранг толадай.
Узилади бўйингинаси
Чўзилади сўнгсиз ноладай.
Гердайишни бас қилинг, жаноб,
Расталарга йўл ҳали узоқ.
Ўнқир-чўнқир, дангур-дунқурдан
Сизни қандай ўтказар жаноб.
Ахир унинг кўзи қоп-қора,
Ахир унинг ўзи қоп-қора,

Ахир унинг юзи қоп-қора,
Осмон қора, қуёши қора,
Кечасию кундузи қора.
Шафқат қилинг, девдайсиз жаноб.
Қўйинг уни уяси томон,
Дон ташисин, ташисин урвоқ.
Ахир унинг бақралари оч,
Еганлари қоп-қора тупроқ.
Сиз одамсиз унутманг жаноб!
О, не бўлди ўмбалоқ ошиб
Қуладингиз ерга юзтубан.

О, не бўлди сенга чумоли
Кўзларингга тўлган Қизил ранг.
Ё, алҳазар наъра тортдингми,
Чақчайишинг қўрқинчли, ёвуз...

Қаранг, унинг кўзига жаноб!
Қаршингизда шер турибди шер,
Қаршингизда турибди сиртлон.
Саф тортишиб келмоқда унинг
Сон-саноқсиз оч бақралари...

*1987*

## РИВОЯТ

Тилсизлар тилга кирибди бир куни,
Кўрлар кўзга етибди бир куни,
Гапиришибди, саҳрода туясини думи ерга теккан чол
Қоқсуяк кампирини кўмаётгани ҳақида.
Кўришибди, оппоқ аждарлар сипқораётган
Денгиз соҳилида болаларнинг
Кўксига оқ бигизлар санчилганини.

Бироқ, эчкиэмарлар қуршаб олган чайла ичида
Еттинчи тўлғоғин бошдан кечираётган жувоннинг
Еттинчи ўғлони ҳам кўр,
Соқов,
фалаж.
Устига-устак чала ўлик туғилаётганини
улар гапиришмапти,
кўришмапти.
Жувоннинг эри эса — чўпон,
Ундан чўчишмапти.
Чунки таёғини олиб қўйишган.

*1986*

## ИБЛИСГА

Сиз нима ўйлаб топдингиз тағин,
Қудуққа фалакни тиқиб қўйибсиз.
Бармоғингиз билан бир зумда тарғил
Сигирга айланган ойни суйибсиз.
Ў, тоғларни кўтариб уриб
Майдалабсиз, пишқиртибсиз.
Явшанларни қуритиб қўйиб,
Бўстонларни зор қақшатибсиз.
Чарчадингиз чоғи, мук тушиб алпоқ,
Чалпоқ назар ташлаб, ҳар ёнга —
Пана кавак учун порани
Бераман деб турган инсонга
Тўқим излаб турибсиз, айёр,
Андак ўтар, эшшакни ниқтаб
Бир кавакка кетасиз кириб.
Бу дунёга мингта чаёну
Ҳамда эски тўқим қолдириб...

*1986*

* * *

Кўзларинг кўз эмас — палахмон,
Тилинг тил эмасдир — Оқ чаён.
Қўй мени, кўп қийнама,
Енингда ўлмасман ҳеч қачон!

Қўлларинг итдайин аккиллар,
Таланган юрагим йиғлайди.
Қўй мени, кўп қийнама,
Мени ғажийвериб тўймайсан!

О, фалак зил-замбил ғазабинг
Елкамни шилди-ку, синдирди.
Қўй мени, амаллаб кетаман,
Бағримда кўнглимнинг ўлиги...

*1986*

## ЕР ҚАЪРИГА ЁХУД АМАКИМГА ХАТ

Мен сизга осуда уйқу тилармаи,
Тирикларга эса саодатли ҳаёт.
*Амаким Баҳовиддин Қутбиддин ўғли хотирасига бағишлайман.*

Сизни қандай дафн этганларини
Билмассиз.
Ўша кун мен
Сентябрнинг иккинчи кунин
Кўзларимга қўндирган эдим.
Тонг ўша сиз айтган донишманд
Ҳаёт китобининг бир варағини
Ўқиб туширганди офтобни силаб.
Йўқ-йўқ озроқ адашдим,
Туманли тонг эди.

Устимга ёпинган кўрпам туман эди,
Деразамга ботган дарахт тиллари туман эди.
Мени титраб уйғотган онам кўзи туман эди.
Менга туюлгани, мен ҳам туман эдим.
Кичкина туманчага айтдилар туманлар:
«Бир ёруқ нурни биз жўнатиб юбордик зулматга».
Ҳеч нарса тушунмадим,
Ютиндим.
Томоғимда, юрак йўлида
Зил парда ҳилпираб силкинди.
Ўйладим, нафасимдир балки,
Йўқ, у туман эди.
Ўрнимдан турдим,
Тоғамнинг қараши судралар эди,
Боргиси келмасди.
Онам тўлғонарди майда қўлчалари
Қучгиси келарди қари беҳимизни.
Унинг қўллари истамас эди,
Фалакка чўзилган нидо мевасига
Айланиб зор бўлишлигига.
Барибир жўнади, сизни кўмгани
Тоғамнинг судралган қараши,
Онамнинг майда қўлчалари.
Менинг туманли томоғим.
Отам...
Бутун вужуди-ла бақувват,
Бутун вужуди-ла серфиғон.
Сиз энди уйқуга кетган эдингиз,
Одамлар додлар, бўзлар, бақирардилар,
Аммо уйғотолмасдилар сизни —
Тўртта укангизнинг наъраси,
Танҳо синглингизнинг оҳ, илтижоси,
Отангизнинг эгилган бели,
Ёш хотинингиз ёш дарёлари,
Уйғотолмас эди
Уч қизингиз дуолари ҳам.

## II

Сиз жуда чиройли ухлар эдингиз,
(Ҳеч ким ҳалақит бермасин сизга)
Балки болалигингиз чопқиллаб,
Ўйноқлаб, гулдираб, қақарлаб
Эртак айтар, айтаётгандир:
«Баҳовиддин, бир бутун нон
Бизлар топгандик.
Очлик киндиксифат гул пайти.
Онамизга бердик, у эса
Тақсимлаб едирди укаларга.
Баҳовиддин, бизлар ноёб ҳамён
Топгандик.
Чўнтакларнинг оғзи тикилган пайти.
Онамизга бердик, у тақсимлади,
Бўлиб берди укаларга».

Болалик пичирлар, сўнгра ухлайди.
У ҳам бевазндир кўкрагингизда.
Ҳовузнинг четидан,
Ўрик четидан
Маъюс осудалик тентираган чоғ,
Кимдир ёнингизда...
(Ҳеч ким кўролмайдиган одам,
Ҳеч ким кўрмаган одам.)
Шивирлар ҳеч ким эшитмайдиган қилиб,
«Лайлатулқадрни қўйнимга солиб
Сенга олиб келдим сўнгги инъомим,
Қабул эт.
Мангу тушларингни қўриқлагувчи
Хаёллар, умидлар, севгилар билан
Яшагувчи, улғайтиргувчи...»

Сиз миқ этмадингиз,
Сиз миқ этмадингиз.

## III

У кетгач,
Ҳеч кимса сезмаган ҳолиса рўй берди,
Сиз лайлатулқадрни қўйиб юбордингиз.
Осмон гумбурлади,
Ногоҳ ғалати,
Сизни одамлар кузатди ва сиз кетдингиз.
Оёқлари қалтиради кетаётган ёзнинг,
Оҳ, деди, бир урди тоғни қулочкашлаб.
Йилт этди —
Қалдир-роқ, қалдир...
Ажина шамоллар увлади
Соқолига ёпишиб қарияларнинг.
Дўнгликка ёнбошлаб олган сеғам шом,
Ариқлар йиғларди —
одамлар, одамлар йиғи...
Амаки — Сиз кетдингиз.
Тебраниб кетарди тобут гўё куй,
Авжида-мавжида мафтун, ром бўлиб.
Қадамлар шиддати-ла — тўзғиган тупроқ,
Чанглар куйлар эди,
Дарахтлар ашула тўқирди маъюс.
Сиз ухлар эдингиз,
Тебраниб кетарди тобут гўё куй.
Одамлар тор эди, таранг тортилгаи,
Гўзал, мудҳиш қўшиқ айтиларди,
Йўқ, ҳамма машшоқ эди, тобут эса уд,
Чалинарди, чалинарди,
Тебраниб кетарди гўё куй.
Ажал тинглаб туриб севинар эди,
Ахир тўй қиларди, энг даҳшатли тўй.

## IV

Оламда энг ғамгин «тамоша» тугаб,
Дўсту ёронлар ҳам тарқаган бир чоқ,
Куй давом этди роса уч кун-уч кеча,
Амаки! Сизни уч кун куйлади тупроқ.
Орадан шунча йил ўтди, югурди
Қабрингиз устидан юмалаб баҳор,
Юмдалаб қаҳратон қишлар ўтдилар.
Ҳеч ким абадиймас, муқиммас, зинҳор
Бу гапим малоли тегмас ҳеч кимга.
Кутишар, кутишар охир учрашув,
Висол келиб қолар зулматлар аро.
Юракдан чўлпиллаб олинган бўса,
У тўхтар. (Нақадар даҳшатли бўлади висол)
Бироқ ундан олдин, титроқ мулоҳаза,
Яшадим, яшадим, қандай яшадим.
Бола жилмаяди,
Гўдак тамшанар,
Қуёш ҳам нурафшон, тириклик шоён.
Бамисли суратдай тип-тиниқ бари,
Битта нуқтаси бор — у бўлса шайтон.
Ўша бир нуқтада мужассам соя,
Ҳам дард-у, ҳамда гард, ҳам куя —
Исқирт.
Ибтидо чархда тозаланмаган
Танага ёпишган шакли бит иблис.
Қайдан пайдо бўлган у ғаламис ит?
Қайдан пайдо бўлган?
Жавоб топиб бўлмас, бу ғоят мушкул,
Илдизнинг чириган еридай чуқур.
Бироқ хаёлларнинг қаҳ-қаҳасида,
Мумкин озроққина қилмоқ тасаввур.
Ана, уйғонмоқда динозаврлар,
Ердан ниш урмоқда илк ўсимлик ҳам.

Ана, Одам Ато ва Момо Ҳаво
Барпо этаяпти саройини ҳам.
Мана, туғилмоқда оға-инилар,
Теппа-тенг маймунлар билан қадлари.
Ҳатто баробардир табиат билан
Кўкариб гул очган муҳаббатлари.
Бари мутаносиб, ўртада фарқ йўқ,
Юз йилми, икки юз этади давом.
Одам Ато қариб равона риҳлат,
Одам Момо қариб равона осмон.
Озроқ йиғи бўлар (балки озроқ май)
Оға-инилар-у, бутун мавжудот.
Маҳкам қовушар-у, бир тан-у — бир жон,
Омонат кўприкда лиқиллашар бот.
Қандай гўзал лаҳза,
Барча лиқиллар.
Қандай боқий дақиқ,
Барча лиқиллар.
Гўё беланчакка қўйилган солиб
Келажак ва ўтмиш,
Орзу ва армон,
Йиғи ва кулгу.
(Балки шу лаҳзадан бошланган чириш,
Оқибат талашиш, меҳр талашиш.)
О, Тўфон.
О, Довул кўммаган ҳасрат!
Балки шу лаҳзада гўнг, ахлат сўриб,
Юнг босиб, кўлмаклар сассиғи аро
Пайдо бўлиб қолган шайтон деган зот.
Омонат кўприкни юборган узиб.
Оға-инилару, ҳайвон, ҳашарот
Йиқилиб тушгану, хўб чеккан озор.
Ногоҳ мушт кўтариб бири-бирига
Аламда, жаҳлда — ғазаб бадкирдор,
Бўлиниб кетганлар бўлак-бўлакка.
Сичқонга — мушукка, тулки — қуёнга,

Айиққа ва шерга
Бўлингани каби ҳайвонлар қавми,
Бўлиниб кетгандир одамзот шундай.
Шунда туғилгандир дунёда уруш,
Ҳақсизлик, қабоҳат,
Зўрлик, маломат,
Ёлғону фисқ-фасод,
Бунёд ва барбод.

## VI

Тасаввур кемтикдир, тўлғазиб бўлмас,
Тағин гўзал сурат бўлар намоён.
Ул қора нуқтага санчилмоқ учун
Кемалар учмоқда фазога томон.
Шафақлар рангида тойчоғи учун,
Қанот тилагани сингари бир.
Барча қанотларни юбордик кўкка,
Умид тойларига этибон ҳадя.
Ўша малъун зотни ўчирмак учун,
Кун ва тун гулидан тайёрлаб гулоб.
Оппоқ нафратларни қонларга чайиб,
Инқилоб қилинган, буюк инқилоб.
Титроқ мулоҳаза, оғир мулоҳаза
Сўнгги нафасгача тўхтамас бутун:
«Ўзим сўнаяпман, лек тирикларга
Шуъла урчитдимми, ақалли учқун?»
Амаки айтинг, шундай эмасми?
Ахир ер қаъри ҳам аслида виждон.
Бизлар ёруғликда сал хато кетсак,
Қалтираб кетмасми қоронғу жаҳон.
Бизларни ўйлайди: «Зурриёт мангу,
Толеи баланд-у, ҳам номи улуғ.
Бўлсин-у бизларни унутса ҳеч тез
Яхшилик эксин-у, сақласин уруғ».

Ахир шундаймасми, амаки, айтинг,
Наслдан-наслга ўтувчи ният.
Омонат кўприкнинг устида маҳкам
Тинч-у, пок бўлсин тирик абадият.

## VII

Ўша сентябрнинг иккинчи кунин
Эсладим.
Ўша тонг туманли эди,
Тамоғимгача туман.
Бироқ бир нарсага ёш ақлим етди:
Видолашув билан кўришув,
Ҳаёт ва ажалда тиллашиш бир он.
Ўша тонг туманли эди амаки,
Тоғамнинг судралган қараши туман,
Онамнинг майда қўлчалари туман,
Отангизнинг букилмас бели туман,
Тўрт укангиз наъраси туман,
Синглингизнинг илтижолари туман,
Хотинингиз кўз ёшлари туман,
Уч қизингиз дуолари ҳам туман.
Бироқ хилпирарди шу туман ичра
Бир ялов тоғлардан, самодан юксак.
Садо тараларди силкинишида
Тараларди улуғ, муқаддас тилак:

— Хўжа Хизр — Буюк коннот!
Бутун нон бердинг — она ерни сен.
Бўлиб бердинг фарзандларингга.
Битта ноёб ҳамён бердинг,
Сарф айлаймиз тирикчиликка.
Қўйнингдан узатдинг лайлатулқадр
Хаёллар,
Умидлар,

Севгилар
Билан.
Биз эса уни қўйиб юбордик,
Гўзал туш туққучи, улғайтиргучи
Бахтимиз парвозсиз қолмасин дея.
У учун абадул-абад,
У учун абадул-абад.

*1981*

## ЧОРБАҲРА

Яхмалак: қиш гўдак:
Сирғалар: қанду қурс:
Йиқилар: сўрайди:
Йиғлайди: бермайди:
Шаббода — шаббода.

Чарсу чурс, чарсу чурс
Синдирар — ойнадай — сувларни —
— балиқлар —
— Дарёда — дарёда.

Яхмалак — қиш гўдак —
Ким керак — дунёда —
дунёда — қиш гўдак.

*1984*

## ИККИ МЕТАФОРА

### I

Чироқ кўтаргунча — ўтади — ана —
Букчайиб — этагин — йиғади — кампир —
Минғирлар — тераман — тилла-дўлана —
Эзғилаб — яхшилаб — қорийман — ҳамир —

Туп-тузук — кун — бўлар — ҳуштаъм ва иссиқ —
Кулчани — боламга — бераман — пуфлаб —
Баландга — чиқади — қилар — нонушта —

Бола-да — баъзида — юборар — туфлаб —
Инжиқ феъл — биламан — овчи — бўлмоқчи —
Доим — тўйдиради — кучукчасини —
У — содиқ — боламга — абадий соқчи.

Чироғи — ўчади — кетади — ана
Букчайиб — этагин — йиғади — кампир —
Кучукча — тамшанар — келади — бола —
Нонушта — қилади — кулчаси — иссиқ.

## II

Пўписалади:
— Миянгни ёриб қатиғини чиқараман!
Орқасида турган тошни кўрсатди:
— Дабдала қилишга шу ҳам етади...
У бўлса келаберди;
— Қўрқмайман. Ҳамма исмим билар —
Қувондиқ.

Душмани қўймади тош улоқтирди.
Дунёда тирқираб тўкилди қатиқ.
Уйғонди қишлоқлар, шаҳарлар, юртлар
Тамшанди: — О, қандай ажойиб саҳар.
У эса чалажон, зўрға жилмайди:
— Қувондиқ сизларга обкелди шакар.

*1984*

## ҲИКОЯТ

Эмчаклари силкиллаган Баҳор
Чўпонатодан инграр.
Ҳовлиқиб юқорига
Чиқади — Дарғом.

Кучуклай зингиллаб ел боради,
— Ҳаммага етади,
Пичирлар Қуёш.
Шошилманг.

Эмчаклари силкиллаган Баҳор
Тимдалар Чўпонатони.
(Очилгин ахир...)
Чўпонато қаърида — зиндон,
Онасини сўрар Баҳодир.

*1986*

* * *

Шундайликка шундай, лекин...
Беҳиштда қушларга ақл ўргатилса,
Исрофил арғамчи учса тўсатдан,
Жаннат болалар боғчасига айлантирилса,
Нима бўлар экан?

Шундайликка шундай лекин...
Сут ариқлардан оқирилса заҳар,
Неъмат даласига сепилса оғу,
Фаришталарга туғ деб буюрсалар,
Нима бўлар экан?
Шундайликка шундай лекин...

Ичим ачиб борар жаҳон бозорида
Анқо уруғига айланса кимдир,
Кўргазмага қўйилса, кўрсалар:
Ўкраги қирқ бир тешикли кампир...
Нима бўлар экан?

Ҳамма ўз уйи бўсағасида
Чўкка тушармиди,

Ибодат қилармиди остоналарда.
Ҳамма чалинармиди, балким
Ватан деган дардга.
Менга бу қоронғу, шолга ўраниб
Ихраб, йўталиб чақмоқтош уриб,
Амир ВАҚТ шафқатсиз ўтаётир,
Имондан қайтганлар
Юртин куйдириб.
Шундайликка шундай, лекин...

*1988*

## ШАҲАР

Арвоҳлар яшайдир бу шаҳарда
Бири Султон,
Бири Жаллод,
Бири Шоир.
Яна уч-тўрт Қул.

Қаллайи саҳардан (балки заҳардан)

Қизарар осмон.
Типратикон яшар бу шаҳарда
Бир ўзи.

Минора тагига келиб ётади
Ҳар чошгоҳ,
Шоирнинг юраги ташланади,
Ёлғиз шоқол яшар бу шаҳарда,
Минора тагида увлар,
Ғингшинади.
Ҳар оқшом
Шоирнинг калласи ташланади.

Арвоҳлар яшайдир бу шаҳарда,
Бири Султон,
Бири Жаллод,
Бири Шоир,
Яна уч-тўрт Қул.
Ҳўкиздай типратикан яшар,
Хачирдай шоқол яшар —
Шаҳарда...
Шаҳриҳарда...
Шаҳринарда...

*1987*

## ҚАЛАНДАР

Издиҳом чоғида
Майдонга гурс-гурс,
Салласи осилган, белида кажкўл,
Папоғига қанд-қурс солган қаландар
Ташриф буюрар:
— Халойиқ!
Имон мусофир,
Инсон дарбадар.
Мийиғида кулар,
Юзида ёш юрар,
Кафтини ишқалар, қизаради олов.
Мис чойнак чиқарар,
Ичига туз солар,
Пуфлайди, шакарлар...
Халойиқ!
Тўрт фасл хабар,
Ватанга сафар.
Халойиқ савдогар, гуппа-гум, гуппа-гум,
Бор нарса зумда зум, йўқ нарса зумда зум.

Хоҳласанг яшил кун, хоҳласанг сариқ кун,
Борми қунт?
Қаландар бош чайқар,
Юзида чўғ юрар,
Дуога қўл чўзар, куфу суф: суфу суф,
Халойиқ — махов турк!
Суф — суфф — суффф...
Ва саёқ булутни чақириб туширар,
Ёнбошлар, баракот — алвидо, алвидо.
Самумлар пишқирар, тиш қирар, ҳайқирар:
— Муддао — иддаҳо.
Муддао — иддаҳо.
Маҳовлар ўкирар, бўкирар то қазо,
Ғизода сазо бор,
Билишмас. Қаландар
Саҳрода мункиган булутдан тушадир
Ют, эй қум!
Дил-кўр,
Жон — кар...
Қум ютмас,
Кишандай саболар эсадир,
Қайрилиб-қайрилиб ўралар бўғзига.
Қуёшга қарайди узрли, сезади
Тошлари ғажарлар кўзининг.

*1989*

* * *

Изладим изладим о, бениҳоя
Шаштим даштга етди,
Сенга етмади.
Нурланиб, қизиниб оқарди соя
Умрим вақтга етди,
Сенга етмади.

Учар от эгарлаб чақнаган дилдор,
Тағин ютолмади сени тубсиз ком.
Самовий гирёнинг заррин чангидан
Ясадинг паймона суви учун жом.
Жон десанг берардим,
Қон десанг томир,
Фақат бу очларга ташлагин урвоқ.
Фақат ташналарга тўкиб ўт ёмғир.
Фақат шўрликларга ташлагин нигоҳ,
Изладим; изладим о, бениҳоя
Туғён уммон бўлди,
Сени топмади.
Талқондай сочилди тап-таранг қоя,
Армон гўрбон бўлди,
Сени топмади.
Кунлар мозоридир нимёғду дала,
Тупроқдан эврилиб, сувларга тушган,
Жуссаси ям-яшил,
Қўллари лола —
Кўм-кўк қиз нима у кўксингда жўшган?
Бошимни кўксингга олсайдинг қани.
Сочингга талатиб қўйсайдинг эди.
Бир ҳўплам қон бўлиб қолсайди таним,
Юзингни, оҳ, чайиб олсайдинг эди.
Изладим, изладим, о бениҳоя
Уним тундан ўтди,
Сенга етмади.
Баҳайбат қуш бўлди кечаги моя,
Сасим елдан ўтди,
Сенга етмади.
Умидим сулайди, қуёшга боқдим,
Бўйнимга кишанлар сол деб сўрадим.
Элт дедим дилдорга ёшларим оқди,
Жонимни суғуриб ол деб сўрадим.
Умидим йиқилди, ҳилолга айтдим,
Каҳрабо заҳрингдан бергин, ичайин.

Элт дедим кўк қизга ўзимдан қайтдим,
Танам кийим бўлса қийиб ечайин.
Изладим, изладим о, бениҳоя,
Қай бир тош ичида
Дилбанду дилбар.
Бошимни тошларга уриб бўзлайман:
Ёрил тош! Топайин
Дилбанду дилбар!

*1987*

## ЯНА БИР ҲАНГОМА

Қобил чол қуриб кетгур
Эшак миниб келади.
Ҳангу, ҳангу, ҳангу ҳанг,
Бирга куйлаб келади.

Чойхонада тўрт норғул
Топади қиморбозни.
Қилиб кетар ҳикоят
Қўйиб барча овозни.

...Бир кун десанг пичанлар ораладим,
Бойнинг баланд деворидан мўраладим.
Совуқ урар эди зап,
Ялтирарди қамчиси.
Ой сузарди сарғайиб —
Фалакнинг тиламчиси.
Кейин...

... Қобил бобо кейин-чи,
Сиз деворда эдингиз?

— Ўттиз битта хулусга
Аввал бир сўм чўзингиз.
Кейин...

Шамолнинг елкасига
Оёғим тушдим қўйиб.
Писмиқ каби сукунат
Ухлар эди талтайиб.

Қарасам, сал яхшироқ,
Ҳовли тинч, бирамки тинч.
Қушларнинг сулувлари
Ариқдан олар ўпич.

Бойнинг кенжа қизчаси
Юрарди паранжисиз,
Тишлари марвариду
Оҳ, иси мисли ялпиз.

Кулгучи тўлқинлари
Чўктирарди ҳайратни,
Кўкракларни синдириб,
Яланғочлар юракни.

Ўзимча ният қилдим,
Халқумимга сақлаб жон.
Гап отдим, очилибсиз,
Кўз тегмасин, бекажон.

Бой қизи ҳиринглади,
Қайдан келдинг, азамат.
Келдим ҳаккалаб девор,
Қилай деб мулозимат.

Кейин...
Ҳой Собир ғўла ўғли,
Қартани тўғрироқ суз.
Жаҳлинг чиқмасин кўса
Ютқазармидинг ҳўкиз?

... Кейин аста билагин
Ушладим қўрқа-писа.
У ноз қилди, қўрқитди,
Мабодо отам кўрса...

Ҳеч қўймадим, хилватга
Судраб кетдим қучоқлаб.
Йўл-йўлакай ёноғин
Дуо қилар эди лаб.
Кейин эса...

— Қобил бобо, кейин-чи,
Қизни судрар эдингиз.
Қани кузур хулусга
Аввал уч сўм берингиз.

Кейин эса бўғзимдан
Чангаллади тўртта қўл.
Латта тиқиб оғзимга
Муштладилар, ўлсанг ўл.

Қарасам бой буваю
Хизматкорлар жамул-жам.
Мириқиб қарғадилар,
Во аламо, во алам.

Олиб келдилар мулла,
Ўқитдилар никоҳни.
Қовуштириб қўйдилар
Икки катта гуноҳни.

Ақлимни йиғиб бир оз,
Термулсам қизга ғариб —
Кўйлаги сал бошқача
Турар эди дўппайиб.

Кейин бирдан воҳ, дедим,
Қобил нодон, ўл, дедим,
Кейин эса...

Қобил бобо кейин-чи,
Қобил нодон дединги,
Аввалambор ютқаздим,
Пул қарз бериб турингиз.

Кейин бўлди кичик тўй,
Ёр-ёр дедик бахтлимиз.
Йиглади чимилдиқда
Тугилган шум ўглимиз.
Кейин эса...

Ана шундай нодонлик
Бир пайтлар қилган ўсал.
Сизлар бўлинг эҳтиёт
Пича-пича, салу пал.

Қобил чол қуриб кетгур
Қиморбозларни шилди.
Қулоқларнинг тагида
Йигладию ва кулди.

Тўртта норгул анграйиб
Жўнади уй-уйига.
Уч кун хотинларининг
Қарашди кўйлагига.

*1980.*

* * *

Намчил кунлар чўзиқ.
Тарновлар толиққан вайсоқиликдан.
Ҳилвираган тупроқ
ҳаприққан.

Ҳатто ой — думалоқ қурутдай.
Оғзингга солсанг ҳам эримас.

Ҳатто қуёш
Шип-шилта,
Кўксингга боссанг ҳам қуримас.
Намчил кунлар чўзиқ...

*1985*

## АФСОНАВИЙ ҚЎШИҚ

Юзландимо бўшлиққа,
Эна энди қўшиқман.
Ҳур қизларо теграмда
Йўл йўқ, дейди Эрамга.

Боғи эрам, эрамо,
Яшнаяпти ярамо.

Мирриҳда тирик гиёҳ,
Зуҳалда обиҳаёт.
Биқинларим оғрийдир,
Бўлаётирман Ғиррот.

Боғи эрам, эрамо,
Яшнаяпти ярамо.

Юзу тўққиз пардасин
Йиртармикан коинот.
Юзу — тўққиз косага
Қўярми қатра нажот.

Боги эрам, эрамо,
Яшнаяпти ярамо.

Аргувоннинг шоҳида
Қайрилиб турган ҳилол.
Самони қазиб борар
Оқсин деб нури зилол.

Боги эрам, эрамо,
Яшнаяпти ярамо.

Уям-уюм тогдайин,
Тўп-тўп бизим қадамо.
Олам юзинда асло,
Пайқамадим одамо.

Боги эрам, эрамо,
Яшнаяпти ярамо.

Тирс этади, у ҳозир,
Чирс этади, у ҳозир.
Қирс этади, у ҳозир,
Тирс, чирс, қирс...

Боғи эрам, эрамо,
Кўз чиқарди ярамо.
Во-ҳо-ҳо...

*1987*

## ЭЗГУ РУҲ ХУСУСИДА ФИКР

Аждарҳонинг бошин узар ой.
Тимсоҳ қорнин кесиб қўяр сув.
Қулзумдарё[1]
Узун қизил тил
Жаврар:— Руҳни йиқитар қўрқув.
Руҳ дайдийди саккиз азобда
Ердан нари осмондан йироқ.
Унутилган хароб овлоқда
ўстиради сонсиз исмалоқ.
Шоқолсийрат очофат хаста
Ўлат билан киришар ошно.
Қабристонни титиб бир пастда
Ҳамтовоқ-ла топар ошу нон.
Биллур тоғда пешонаси дўнг,
Нафсу таъма хотини тулки.
Ташиб ётар кеча кундуз гўнг
Дўрдоқ лабда қотиб тупуги.
Гўзал қизлар ватани Чирой,
Қамалдадир, босқинчи ишрат.
Бўриларни ҳайдаб пайдар-пай.
Жунли танда ютоқар шаҳват.
Узумзорда машварат қуриб,
Қадаҳдадир деб бутун жаҳон,
Қўйни филга таққослаб уриб
Аржумандни бошлайди ёлғон.
Калитларни тиқиб пинжига
Хайру эҳсон кутар хиёнат.
Зулукларни солиб лунжига
Хачирларни қилар тарбият.

---

[1] **Қулзумдарё** — афсонавий дарё.

Тутиқушни устоз сайлаган
Калтафаҳм, нодон, такаббур —
Масрур, гарчанд ҳаром айланган
Шубҳа қилмас ёғар деб ёмғур.
Калаванинг учин ушлаб ҳам
Терс-тескари кетар гумроҳлик.
Эчки каби маърар адашган
Эчкилардан тонган густоҳлик.
Аждарҳонинг бошин ямар ой.
Тимсоҳ қорнин тикиб қўяр сув.
Қулзумдарё
Узун қизил тил
Жаврар: руҳдир қудратли, мангу.
Руҳ ёлғиздир саккиз азобда.
Ердан бери, осмондан нари.
Чегирмайди асло ҳисобдан,
Санаб берар ернинг дардларин.
Балким даво қилар зулматни,
Иркит-сиркит, чиркитларини
Ё воз кечиб йиғиб обкетар
Ҳақиқатнинг ўликларини.
Ё одамлар уйғониб қолар,
Солар ўзин тинсиз қийноққа.
Балки дунё тўлганча тўлар
Руҳ ўстирган исмалоқларга.

*1987*

* * *

Ёр ёмғир!
Бағримни қилдим қалқон
Санчилаверсин камон.
Ёр ёмғир!

Юрагим кимга яқин.
Олиб иргитсин чақин.
Ёр ёмғир!
Ўйиб ташла жисмимни,
Унутайин исмимни.
Ёр ёмғир!
Руҳим билан қолайин,
Севги нима билайин.
Ёр ёмғир!
Шунда балки хотиржам,
Изн сўрайман ажалдан.
Ёр ёмғир!
Ич-ичимдан догланиб,
Кетаверайман чугланиб.
Ёр ёмғир!

*1987*

## ШЕЪРИЯТ БЎЛИМИ. 1987

Киравершингизда, чап томонингизда илгич.
(Қишда пальтолар илинади.)
Ўнг тарафда диван. Ўтириш мумкин.
(Хоҳласангиз ухланг.)
Диваннинг ёнида Муҳаммад Юсуф
Тиришар:— Бунча шоир кўп.

Кетаман...
Сал нари Шавкат Раҳмон ўтирар қошларин чимириб,
Чойнакка қарайди, чойнак бўш.
— Эҳ, деҳқон бўлсайдим дейди ичида,
Хўрсинар.
Шундоқ деразанинг ёнида ўзим — Абдували.
Оғзимда талқон.

Ўйлайман, шамол уриб кетар бир куни...
Орқасида қаппайган шкаф,
Маъруза ўқийди Минҳожиддин Ҳайдар
Қандайдир ғалати касаллик ҳақда.
Кўзларида жилва, лабларида ханда.
Сал нарироқда Ҳалима Аҳмад қизи,
Қарсиллатиб ёпар эшикни,
Негадир ўксинади...

Шоирлар келишади, кетишади,
Сўкинишади, кулишади, пичирлашишади.
Ҳар қалай кетишади ташқарига.
Атиги ягона дераза мавжуд,
Ҳар замон пастга қарайди беш киши:
Кўринмайди бирор гул, асалари.
Ташқарида пачоғи чиқиб кетган фасллар,
Уларга тааллуқли бўлмаган ташқари.

*1987*

## ЭРТАКЛАРДАН БИРИ

Қайси бир чўпоннинг етти ўғли бўлган экан:
Бири — Ўғри бўлибди — Тулки,
Бири — Муштумзўр бўлибди — Айиқ,
Бири — Ошпаз бўлибди — зап-зап,
Бири — мерган бўлибди — Қирғий,
Бири — Кулол бўлибди — Лойхўр,
Бири — Мулла бўлибди — Ват-ват,
Бири — донишманд бўлибди — файласуф.

Чўпон етти қўйини бўлиб берибди:
Ўғри қўйини сотибди қиммат,
Муштумзўр ўлдириб қўйибди қўйин.
Ошпаз сўйиб қўйилибди кабоб,

Мерган отиб ташлабди паққа.
Лойга қориб ташлабди кулол,
Салла билан бўғибди мулла...
Доишшманд эса...
(Бўшкўнгил.)

Қўйни елкасига кўтариб опти,
Тоғларга кетибди, баланд тоғларга.
Олтими етти йил яшабди ўй суриб,
Қўй боқиб.
Олтими, етти йилдан кейин
Қайтибди у йўлбарс билан.
Йўлбарски, маърармиш нуқул,
Чўпоннинг кўзларидан қўрқиб.
Файласуфга боқармиш ваҳший,
Сўйлоқ тишларини кўрсатиб...

*1986*

## ТААЖЖУБ

Кувида нима бор — Абрсув,
Халтада нима бор — Кунчакка.
Товоқда нима бор — Тунмайиз,
Олақол
Емакка.
— Хўп, майли...
Қозонда нима бор — Ойшўрва,
Косада нима бор — Юлдузқоқ.
Шишада нима бор — Уфқёғ,
Керакми?
Олақол.
— Хўп, майли...
Аслида не тусаб қолдинг сен,
Артиб ол, лабингдан сўлагинг.

— Дадажон, қорним тўқ, айтинг, мен
Не билан овутай юрагим?

— Ё товба...

*1986*

## АЙИРБОШ

У ёнда йўл, бу ёнда ҳам йўл,
Ўртасида садоли лаҳад.
Сени, мени бошқаради қўл,
Беш панжали тирноқли калхат.
Зулук яшар суюқ юракда,
Кўнгилларда лаб-кўзсиз илон.
Шом чоғлари қонли хўракдан
Мажруҳ лаззат туяр жони хом.
Таомили қисмат — жиғилдон,
Халталари қўтир елкада.
Ким хурраму ким эса сарсон,
Олам деган эски кулбада.
Қинғир-қийшиқ кўзларда зимлик,
Гуноҳларни яширар чандон.
Бизга ота бу бебурд жимлик,
Бизга она бу яғир хумдон.
Маконларга ёнма-ён ўра,
Лиммо-лимдир унда шақоват.
Шўнғиб-шўнғиб турар башара,
Бўянади турқи тароват.
Ғимирлайди қаланғи-қасанг,
Тўпиғига тушади оғзи.
Тавонига бўйсиниб гаранг,
Алпанг-талпанг, тирқираб изғир...
У ёнда йўл, бу ёнда ҳам йўл,
У ёнда ҳақ, бу ёнда ҳам ҳақ.

У ёнда қўл, бу ёнда ҳам қўл
Ушлаб турар чўзинчоқ бақбақ.
Хуллас калом шу менман, шу сен.
Иккаламиз яқин қариндош.
Сен туянгни менга кўрсатгин,
Ҳўкизимни қилай айирбош.
Кўнмасанг гар яна айтаман,
Ким ўзига бўлибди жазман?
Ҳазарлардан пайдо бўлганлар,
Нима пайдо қилар ҳазардан?
Чиқиригу, йигию бўзлар
Талабгордир яна шуларга.
Карнайлару бургу, қубузлар
Кеча-кундуз керак уларга.
Ҳою ҳавас бурундан ўтар,
Бурумлардан қайтар иштиёқ.
Интилишлар ғурубда битар,
Қайтаради ортга ҳиқичоқ.
Ҳазарлардан пайдо бўлган тан
Суюлади баттар ҳазарга.
Борса келмас ёқда туғилган
Ишқ бурилиб чўкар бадарга.
Хуллас калом аҳволимиз шу,
Сени мени бошқаради қўл.
Бизнинг охир уволимиз шу,
Кўзларимиз танимаган йўл.
Иккаламиз ахир қариндош,
Келишамиз, бошни қотирма.
Жуда зарур бугун айирбош,
Савдо-сотиқ, олу олдирма.
Тўпиғингдан оғзингни кўтар,
Ҳўкизимни қўшга қўш боплаб.
Етти қулоч арқоним кутар,
Мен. туянгни кетай етаклаб.

*1988*

## ТАСАВВУР ЛАҲЗАЛАРИ

*Туркум*

Қафасдаги бедана...
Чумчуқлар шохлардан-шохларга ўтарлар...
Олмани тешиб чиқар қурт...
(Осмон кенг.)

Қафасдаги юрак...
Симобдай югурик лаҳзалар...
Очлар-тўқлар тўлдирган маъво...
(Олам кенг.)

Қафасдаги умид...
Қопқонни ғажиётган бўри...
Туёғидан қон ва нур оқизган кийик...
(Алам кенг.)

**2**

Ғайб
Суворий отсиз эди...
(булутни от қил)
Ғайб
У тансиз эди...
(ойда лой қор)
Ғайб
Борар жойи йўқ...
(шамолни ер қил)
Ғайб
Унинг армони кўп...
(Ботқоқда суғор.)

**3**

Кўҳи Қоф
Чўққисида тангри
Қўйнида қуш боқар...

Қушки,
Тумшуғида тонг болалайди...
Қушки,
Уфқлар...
Шафақлар...
Қамалаклар...
Унинг кўз ёши...
Қушки,
Ноласи куйлатар суякларимни...

**4**

Борса келмасда ой тутуни...
Нурғужғон тилла хуржунда
Сулаймондан қолган узук...
Жаҳонда шоҳ йўқ...
Ҳақ йўқ...
Хуржунни елкасига ортган сароб...
Хиргойи...
«Ким олади шугинани-ё...

**5**

Чумоли кўзичалик кўк...
Нуқтадан кичикроқ кеча ёки тун...

Мушукдай қора ёғдуга ўч ёлғизлик...
Ҳўкиз миниб юрган ер соҳиби...
Қаттиқ нонни арралаб ётган
Жаҳонгир...
Очимтир-кўкимтир тоғ...
Ёқут жилғага оёқ сўнган гадо...
Сўқимдай виждон, имон ва таъма...
Жимжилоғини сўраётган гўдак
Ўғри...
Ўғри...
Ўғри...

## 6

Қор гулхани...
Бигиллаб қайнаётган човғун...
Бўғотларда ҳакалаб юрган қиш...
Қор чақмоғи...
Этаги куйган изғирин...
Қор бўрони...
Ўйин тушаётган аёл...
Чарх уриб... Чарх уриб...
Чарх уриб...

## 7

Чанқовуз чалади кампир...
Тишу бармоқ фарёди...
Оғиз ва бўшлиқ фарёди...
(лабдан ўтадир бир ришта)

Парчаланган тупроқ ингроғи...
Сув ингроғи...
Коинот ингроғи...
(Рўзғор ғордир кирсанг чиқмайсан.)

Жағлар қимирламас...
Қўллар шалпаяр...
Тирғдай ўткирлашар кўзлар...
(Нондангина иборат эмас эрк.)

Чанқовуз чалади кампир...

## 8

Аввал косибга учра дилингни чегаласин...
Аввал кулолга бор янги бир кўза берсин...
Аввал темир ковуш топ...
Аввал пўлат кўйлак кий...

Кейин...
Тошга ёлбор бошингни тош қилсин...
Дастурхонга ёлбор еганинг ош қилсин...
Кейин...
Жўна Чархфалакчининг олдига...
Бахтингни очиб берсин...
Очиб берса...
Аввал...
Аввал...
Аввал...

## 9

Анор гулига монанд сарой...
Ўн икки қизгиш
Эшик...
Ирғишлашиб қулунлар кишнар...
Ёлларида ялтирар
Учқун...
Ингичкадан ингичка сўқмоқ
Аршдан ерга чувалаб тушар...
Очилади ўн икки эшик..,
Ўн икки тобутда
Сабр ётар...
Шундай умр
Кун-йил тафсифи...
Ирғишлашиб қулунлар кишнар...
Ёлларида ялтирар
Учқун...

## 10

Қулоғига панжара тутган одиллик...
Тўсиқларда тилинган сас, садо, овоз...
Тепса тебранмас сукут хўжалари...
Туёқ, човут, панжалар маҳкамаси...
Каллакесар ҳуқуқ...

Гуруч тозалаётган чол...

Доғланиб ачиётган тақдир...
Ерни кунгабоқардай қоқиб олаётган мункирлар...
Пайкалларда шишган нафс...
Суякхўр оғизли калтаклар...

Гуруч тозалаётган чол...
Қонаралаш кулгу...

## 11

Қафтдаги тупроқ...
Бармоқларингни ёз...
Тўкилар малаклар, фотиҳлар, заколар...
Нокаслар, фаҳшлар, салтанатлар...
Тегирмон юрғазар бақо...
Кафтдаги тупроққа баробар кеча...
Эрта... индин...
Сев қорани, оқни, сариқни...
Сўзларни, ёзувларни, даҳлсизликни сев...

Кафтдаги тупроқ...

## 12

Қабристон...
Бобом қабри...
Салом сукутга чўмганлар...
Сув пуфаклар ёрилаётган булоқ...
Иллатлардан ҳоли балиқлар...
Вақт эккан чинор...

Бобом тинчмикан...

## 13

Унлар-мунглар харидори ким...
Чирмаб-сирмаб ташлаган-чи...
Наҳот қуюнлардан қочар ҳаёт...
Найранг савдолари...

Ғурбатзада соҳилда чиғалай...
Шўрқабоқ буғлари...
Алвастилар изғиган тақирлик...
Илма-тешик...
Илма-тешик бағир...

## 14

Оқ ва қоранинг ўртаси жар...
... Жар...
Оппоқ илон ўтар ойдиндан...
Илоҳий бурғу
Кўтарган жарчи...
Жардагиларни чақирар...

Оппоқ илон келар ойдиндан...
Занглаган юлдузлар чақадир...
Чириган ой чиқадир...
Тасқаралашган сиймолар
Чиқадир...
Оппоқ илон кетар ойдиндан...
Оқ ва қоранинг ўртаси жар...

... Жар...
Йиқилганлар, йиқитилганлар...
Сиғининг ойдин
Тунда...

Оппоқ илон ўтар ойдиндан...

## 15

Чинқириқ...
Маймунлар сесканар олис-олисда...
Бақириқ ўрмонида бўрон қутурар...
Телба наҳрларда ваҳший наъра....
Деразаларни очинг...
Қалдирғочлар кирсин...
Уларнинг ортидан...
Қувғинга учраган Ҳаққуш...

## 16

Э-э-эййй...
Тулпор пайдо бўлса ёнимда...
Дард айтсам...
Мин деса..,
Э-э-эййй...
Юз йиллик йўл боссак...
Туш деса...
Тушсам...
Э-э-эййй...
Орқага қайтмасам...

## 17

Севардим мен...
Кўппак каби улиди риё..,
Куялади бағир...
Яғир кунлар келди кейин...
Севардим мен...
Кўмилди тонг ариқлари...
Орзу тандирлари бузулди...
Зулмат билан қолдим...
Севардим мен..,
Қўлимни шаббода қилгандим...

Кўзимни зирак қилгандим...
Лабимни...
Севардим мен...
Зулмат...

## 18

Меҳргиёҳ...
Зорлик...
Тобора мўртланар тошҳикматлар...
Чирқиллаётган полопон-етим...
Писиб бораётганлар — етим...
Майдалар, мижғовлар, эзмалар тўдаси...
Хўрланганлар ва лақмалар...
Айёрлар ва худбинлар...
Етим... Етим... Етим...
Худқушлар оромбоғи...
Оромбоғдаги меҳргиёҳ...

## 19

Тақиллатсанг...
Кир десалар...
Кўрсатсалар Улуғбек бошини...
Осмон харитасини...

Мана шу ерда десалар Алптегин...
Мана бу ерда Гўрўғлининг гўри...
Ханжар берсалар...
Кўксимга урсам... урсам... урсам...
Улар йиғласалар...
Йиғласалар...
Йиғласалар...
Йиғласалар...

## 20

Мусаффо ўйлар гирдоби...
Софланган қарғалар...
Авфланган гуноҳлар...
Васфланган севги, диёр, она...

Шаффоф холи зиёланган қиз...
Наввотдай тузлар..
Кўксингга тегиб турган юз...

Софланса...
Авф этсанг...
Васфласанг...

## 21

Ажриқли дала...
Оғриқли меҳнат...
Кўм-кўк оғушга синган қўй-қўзи...
Эртадан-кечгача хас-хашак ғами...
Пичан ғарамидан оғир юк...
Қаламуш миясидан енгилроқ мия...

## 22

Кўк-сариқ...
Яшил-мовий қиём кўпирар...
Капалак қанотин ҳилпир...
Гулоб танга...
Нимпушти танга...
Заъфар танга...
Капалак танга бозор...

## 23

Шишадай туман...
Чинни товуш...
Ҳандакни қимирлатаётган қўнғиз...

Рутубат босган боғ...
Боласини бағрига тортган жувон...
(Айқаш-уйқаш.)

Чилпарчин туман...
Товушлар лахчаси...
Ҳандакда ғўнғиллаётган қўнғиз...
Шариллаб йиртилган рутубат...
Онасин кўтариб кулган йигит...
(Айқаш-уйқаш.)

**24**

Бурама тоғ йўли...
Савлат тўккан қирғий...
Сирғалиб буралган сой...
Қадимий қоя...

Ожизлар арвоҳи шоқол...
Ув-ув-вв...
Булутлар уюмидан баландда
Арки мангу давлат...
Ў-ў-ўўў...

Бурама тоғ йўли...
Буррр-рама...

**25**

Таёқ дўқиллайдир кунотарда...
Кунботарда варақланар китоб...
Қуёшдан тепароқда ўчоқ гурлар...
Сўзларин пиширар Яссавий...

Саҳродан саҳрога кўчади қуллар...
Нақадар...
Нақадар чўзилган очарчилик...

## 26

Ул сирри ниҳон...
Интиҳо ва ибтидо чангалаги...
Ибтидо тўргайи...
Интиҳо булбули...

Дил кўрпишли нажотга тиш ботирган
Чангалу сўнгакдан иборат қашқир...
Муҳаббатдан-да гўзал қиёфа...
Она сутидан-да муқаддас сув...
Сувда жон бижирлатган...
Ул сирри ниҳон...

## 27

Руҳ
Сичқон ила ҳамтанлик қилса...
Руҳ
Ҳамсафар бўлса илон-ла...
Сичқон ер остидаги шафаққача борарди...
Илон
Кўк тоқидаги инсонларга етказарди хабар...

## 28

Ўсимликлар дунёси...
Ҳайвонот дунёси...
Бани одам дунёси...

Учта дўнг, тепалик...
Уч талотўм...
Уч латофат...
Уч қойим-қиёмат...

Уч ғариб мозорат...

## 29

Асрлар саъдиғи...
Куйган, куйдирилган шаҳарлар карвони...
Қобиргадан қошиқлар ясаган қонҳўр...
Тил бичадиган Ҳотамлар...

Киндик қони тўлган мармар ҳовуз...
Чанқоқ қондиришга тўпланган қаторлар...
Кумуш шаҳарларда тиламчилик қилиб юрган
Болалар...
Болалар...
Болалар...

## 30

Озодлик помли чўл...
Ҳайқириғи кучли кўл...
Айқириғи ўтли наҳр...
Мевага кирган саксовул...
Тил чиқарган балиқ...
Зарланиб кетган дарё...

## 31

Шаккок хаёл қўрқинчи...
Майиб мт ҳамласи...
Деворларни агдарадиган нафас...
Ниқобларни тортадиган қўл...
Уятдан баттар нафрат...
Яна сени сотаётган ақл...

## 32

Кабутаргуллар қўшиғи...
Кабутаргуллар қўшиғи...
Икки четида чирмовуқлар

Икки уфққа печалган
Номаълум орол...
Ферузаранг дарахтзор устида
Муаллақ турган камалак...
Етти рангли кабутарлар...
Етти рангли бахт.
Рангли ёмғирлар ёғаётир...
Рангли орзулар устига...

**33**

Фасллар қўналғаси...
Турналар ошёни...
Бойчечаклар юрти...
Ҳасратлар охири...

Қору ўт қоришмаси...
Хаёл қанот қўшилуви...
Шоҳтомир учидаги юрак...
Шодликнинг қасоси...

**34**

Қоронғуликдан ўтгач...
Ёп-ёруғ хум бор...
Хумда бир тўп калит бор...
Қўриқлаб ётибди уни ваҳима.

Ҳув ана, чақмоқлар тўплаган хазина...
Ҳув она, худолар тўплаган жонзотлар...
Ҳув ана, одамлар тўплаган ҳақорат...

**35**

Йилдирим из солган сарҳад...
Потирлаб эсган лолалар...

Ония баҳорнинг беланчаги...
Қамишзордаги найлар...

Кўз жазиллаши...
Лабдаги қип-қизил таъм...
Қамаштирган асал уйқу...
Жисму тандаги найлар...

**36**

Самандарлар яшаган Аланга салтанати...
Шаршараларда туғилган фаришталар...
Имконсиз муродлар...
Чивинхаробда чақчайма палидлар...
Чалчиққа катак қурган маҳлуқ аёллар...
Имконли хоҳишлар...

Имкондан кўпайган манфурлик...
Манфурликдан кўпайган...

**37**

Чигиртка оёғи...
Балқиган дала...
Илк бор товланган мингоёқлар...
Товуш чиқарган лайлатул — қадр...
Шоҳлари зарҳал қайрағоч...
Қизига попук тақаётган пари-пайкар...
Қадри қиммат олам...
Қадри ширин ҳаёт...

**38**

Бойўғлига улфат шамол...
Харобаларда кезар...
Вайроналарга ағанар...
Тикан супурги...
Уфқ томонларда...
Уфқ томонларда...
Семурғ тўфони...

Суманлар давраси...
Гумбази саҳи....
(Аёл — эркак — гўдак...)
Ёғдулар ўрайди...
Тошиб кетар кеча...
Қуёш кемаси...
(Аёл — эркак — гўдак...)
Умидлар меҳвари...
Орзулар гулшани...
Ниятлар тож-тахти...
(Аёл — эркак гўдак...)
Қуёш кемаси...

*1988*

* * *

Тахаюл тунида сени эсладим,
Кафтингда бахт қуши, елкангда кафтар.
Пойингда тиз чўкиб мўлтирар маъюс
Кийиклар
Бошингда гулбаргак, қароғингда ой
Севдим, дедим сени манглайи ялпиз.
Қўй деди, этагинг тишлаб ётган той —
Она қиз бу,
Она қиз.
Қалдироқ бургутдай ерга ташланди,
Оёғимдан тортди боғлади йўлга.
Йўл чопди,
Жуда кўп чопди.
Ташлади малаклар чўмилган кўлга.
Сев, сев, севв!

Тепамда бақириб ўтди қалдироқ,
Устимдан қичқириб ўтди шамоллар.
Ёнимга келдилар
Гўзал, яланғоч
Сев мени, дегунча
Соҳибжамоллар.
Кўзимга мил тортдим, сени эсладим
Кафтингда бахт қуши, елкангда кафтар.
Осмон марказига ботаётирсан,
Осмон марказига ботар
Кийиклар.

*1988*

* * *

Қишдан ўтиб олсак...
Лолалар юртига қараб кетармиз?..
Қишдан ўтиб олсак...
Дунёдан
Гулу райҳон бўлиб ўтармиз.

Санувбар баҳорга етолсак агар
Ярамизга қўнар болари.
Етти аъзомиздан муаттар
Бўй чиқиб ётамиз кўкариб.

Наштарли кунларнинг азобин
Насиб этса агар унутармиз.
Гулу райҳон бўлиб бирга
Висол оғушида ётармиз.

Қишдан ўтиб олсак...

*1988*

## ИСМСИЗ ҲАСРАТ ҲАҚИДА ИККИ ШЕЪР

Қамуқ олам аро сарбон сўрадим,
Суягим қамашиб ёнди кўкрагим.
Вой-эйй...
Овозим ялтиллаб учди ногаҳон,
Кўзларим мўлтиллаб кўтарди фиғон.
Вой-эйй...
Мисоли юракка теккандай қамчин
Томирим шиширив юборди санчиқ.
Вой-эйй...
Қўлларимни чўзиб садо сўрадим,
Ҳамдарду меҳрибон худо сўрадим.
Вой-эйй...
Бошдин то оёқ тупроққа беландим,
Қорачуғларимни бир-бир эладим.
Вой-эйй...
Этиму энгагим қизир такарлаб,
Ҳаттоки қонимни олдим шакарлаб.
Вой-эйй...
Қамуқ олам аро сенсан сизимсан,
Тўлғониб, тўлғотиб туққан қизимсан.
Вой-эйй...

### II

Ташландиқ кечада ёлғиз ўзимдан,
Бинафша сачрайди босган изимдан.
Э-воооҳ...
Юлдузлар саргашта ўнгу сўлимда,
Яхлаган ой-офтоб келар йўлимдан.
Э-воооҳ...
Тошқинлар имиллар баҳри сукутда,
Шамоллар чўкканлар наҳри вужудга.
Э-воооҳ...

Қайгадир бари бир керак етмагим,
Тешилса ямабу ясқаб этагим.
Э-воооҳ...
Қаричлаб-қаричлаб арзу самони,
Кутарман бетоқат оний имони.
Э-воооҳ...
Мен ахир, мен ахир ўйнаб бороман,
Жонимни сен учун чайнаб бороман.
Э-воооҳ...

*1988*

* * *

Қаҳқашон сайрида юлдуз-ла юрган,
Шафақ тоғларида жавоҳир терган,
Ойнинг ўтоғида севгини кўрган,
Шўрлигим дилимдир,
Бечора дилим.
Муздарё тубида тўфонни сезган,
Бигиздай майсали чўлларда кезган,
Жуволдиз остидан сирғаниб юзган,
Шўрлигим дилимдир,
Бечора дилим.
Адоқсиз ғорлардан адоқсиз ўтган,
Билгисиз китобнинг чангини ютган,
Ҳурлар шодланганда гулобдан тотган,
Шўрлигим дилимдир,
Бечора дилим.
Беҳуш оёғимга буюрманг юр деб,
Ҳолсиз бармоғимга айтмангиз кўр деб,
Титраган танамдан кулмангиз ғўр деб.
Уларда гуноҳ йўқ,
Гуноҳкор дилим.
Бечора дилимдир,
Шўрлигим дилим.

*1988.*

* * *

Ниначи қанотин ҳижоб қилсайди,
Қил-кўприк йўл топиб бера билсайди,
Ғам чексак, Бинафша овунтирсайди,
Тўл-ғо-на, тўл-ғо-на

Жон
Берар эдик.

Сени мен кўзимга солиб турсайдим,
Фақат ёш оққанда аксинг кўрсайдим,
Юракка хат ёзиб сенга берсайдим,
Тўл-ғо-на, тўл-ғо-на

Жон
Берар эдик.

Қалдирғоч иккимиз олиб кетсайди,
Дунёдан-да йироқ ерга элтсайди,
Сўнг севиб ўлмоқдин сабоқ ўтсайди,
Тўл-ғо-на, тўл-ғо-на

Жон
Берар эдик.

Ё семурғ бизларни бола қилсайди,
Муҳаббат наҳрида чўмилтирсайди,
Иккимиз бир лаҳза бирлаштирсайди,
Тўл-ғо-на, тўл-ғо-на

Жон
Берар эдик.

*1988*

* * *

Тиззангда юрагим потирлаб турса,
Лабларинг титраниб пичирлаб турса,
Енингда бир ариқ жилдираб турса,
Ёрим-о
Суюнчим суюнчдан суюнчли...

Азоблар ташласа чойшаб қонларга,
Фурсат йигиб берса учқур онлардан,
Қўл ушлаб ботардик илиқ тонгларга,
Ёрим-о
Суюнчим суюнчдан суюнчли...

Худоё вужудим ила сийласа,
Қулфу калитини тортиқ айласа,
Сен очиб кирсангу мангу қулфласанг,
Ёрим-о

Суюнчим суюнчдан суюнчли...

*1989*

* * *

Не дейин, саҳрода, дардкашим сароб,
Сир айтарим саксовул, не дейин.
Кундан-кун аҳволим харобдан — хароб,
Ичдим ғам майин.

Войладим бир оҳу яқин келмади,
Қумга урдим юзим, у мендан безор.
Бирор ит мени Қайс деб билмади,
Тану жон озор..,

Кўп кездим, кўрмадим бирорта карвон,
Билмадим қаёнда мағрибу машриқ.

Машаққат соҳиби, арконим армон,
Амирим қашқир...

Ҳукми равонимга бўйсунмас тақдир,
Энди йўл биргина руҳлар кўшкига.
Тинч Комга мен қандай тушаман, ахир
Ишқига тўймадим,
Ишқига...

*1988*

* * *

Чарх ўткир қилиб қўй болтангни,
Чуғурчуқ йигиргин сим, арқон,
Юзини ўгирди
Ахир ёр —
Чиқсанг — чиқ,
Кетсанг — кет энди жон.

Хазонинг тўпла, кўм мени боғ,
Терингни кафан эт, эй, илон.
Юзини ўгирди
Ахир ёр —
Чиқсанг — чиқ,
Кетсанг — кет энди жон.

Дарё сен мурувват қил бир бор,
Йўлингга қўшиб ол лахта қон.
Юзини ўгирди
Ахир ёр —
Чиқсанг — чиқ,
Кетсанг — кет энди жон.
Кеча ўғриликка чиққил, кел,
Бошимни синдиргин, уз армон.

Юзини ўгирди
Ахир ёр —
Чиқсанг — чиқ,
Кетсанг — кет энди жон.
Лахча сеп тонггинам, тўяйин,
Юракда қолмасин пушаймон.
Юзини ўгирди
Ахир ёр —
Чиқсанг — чиқ,
Кетсанг — кет энди жон.
*1988*

## ПАНД

Эрта тургин, поклан, қуёшга
Сажда қилгин уч марта дилдан.
Овқат ема, яқинлаш тошга,
Кўп гапирма, сақлангин тилдан.
Ёқангни йирт, яланғоч кўкрак
Суякларин тоблагин ўтга.
Чидаб бергил, нозик капалак
Ёпишгунча кўксингга итдай.
Ўрнингдан тур, кейин бемалол,
Оч тиғларга товонингни бос.
Боравергин, тўғрига ҳалол,

## СЕН

Шубҳадан бўласан халос.
Эрта тургин, йиғла бетовуш,
Кўзинг шишсин, уч марта букил.
Кўзгуга боқ, майлига хомуш,
Кейин муштла, у бўлсин чил-чил,
Синиқларин теру қарсиллаб
Ютавергин енгил тортгунча.
Бўғзингда қон кетади қайнаб,
Юрагингда очилар ғунча.

Бошинг кўтар, ясангин, тусан,
Кийиб олгин топ-тоза либос.
Боравергин тўғрига бардам,

**СЕН**

Армондан бўласан халос.
Эрта тургин, гулларни силкит,
Эгил, бошинг тупроққа тегсин.
Кипригинг-ла супургин иркит
Иблис ётган орзу супасин.
Лабинг билан тишла, тишлолсанг
Қурбақани — қилт этмай сира.
Қўлинг билан илон ушлолсанг,
Табассум-ла бўйнингга ўра.
Кўкрак кериб қўявер қадам,
Ҳақиқатдир ягона ихлос.
Боравергин тўғрига илдам,

**СЕН**

Ёлғондан бўласан халос.
Эрта тургин, пичоқни шимгил.
Бошингни қўй онанг тизига,
Оёғини жим уқалагил,
Кафтинг теккиз уч бор юзига.
Яна шими, пичоқни шими,
Таъзим қилгин ўтган руҳларга.
Билагингда юрғазгин уни,
Ризо олгин бору йўқлардан.
Қасам ичгил гулдираб баланд,
Қасам ичсин қайтадан қасос.
Боравергил тўғрига ўктам,

**СЕН**

Қўрқувдан бўласан халос.
Эрта тургин,
Поклан...

*1989*

## ИККИ РУҲИЙ ТАШБЕҲ

Эллик саккизтами,
Беш юзу саккизтами боши.
Уч юз ўн тўққизта қўли,
Тўрт юздан ортиқроқ.

Кўзи,
Юзи,
Узи...

Атиги яримтагина юрак,
Нимчоракданам оз шодлик.
Зарраданам майда бахт,
Филнинг жасадидай таҳдид.

Саккиз юз ўн битта тоқат,
Салкам мингта афсус, товба.
Бургаданам кичик шафқат,
Ҳимолайдан катта болта.

Эллик саккизтами,
Беш юзу тўққизтами эгов,
Порадаккина темир читтак.
Ўн мингга яқин буров
Ўрни қолган энгак.

Беш юз йигирма бир андуҳ,
Патлари юлғинди
Увооқ
Руҳ...
Уф-уф-уффф...

II

Одам ёғи, пўшти, пўсти
Ҳай, қўлансахўр —
Ҳўпла —
Татин —
Ёпин —
Оламий лаззатин, шиддатни, ғурбатин
Туярсан.
Ҳай, қўлансахўр —
Бекин —
Яшрин —
Одам руҳи қалқир —
Балқир —
Фарёддан куярсан, фарёддан...
Ҳай, қўлансахўр...

*1989*

## АҲМАД ЯССАВИЙ

## XII АСР

Илоҳим, сен мени тиламчи қилдинг,
Манглайим арқоғин арғамчи қилдинг.
Бахт истаб одамдан-одамга ўтдим,
Йўлларим қонимдан сирпанчиқ қилдинг.
Сирпандим, ҳолима маймунлар кулди,
Сенга кўп ялиндим, адашган билдинг.
Караминг ўрнига ғазабинг елди,
Кўзимни сел қилдинг, ҳандаклар тўлди.
Ишққа юкунтирдинг, авради ёна,
Қиздан жувон бўлди, жувондан она.
Маҳлуқни мен билан қариндош қилдинг,
Йигитдан ит этдинг, соғдан девона.
Кучандим, нафасим юбординг узиб,

Қўшга қўшиб қўйдинг, мижиғлаб, эзиб.
Болани бешикдан туширдинг ерга,
Отани туширдинг қоп-қора гўрга.
Эътироз этмадим, аламчи қилдинг,
Манглайим шарҳини алдамчи қилдинг.
Сўроқлаб оламдан-оламга ўтдим,
Йўлларим қонимдан сирпанчиқ қилдинг.

Илоҳим, сен мени тиламчи қилдинг!

## II

Кеч мендан, кўланкам йиғиштир тангри,
Ёпишқоқ қобуғнинг учдим макрига.
Ертўлам деворин ваҳмидан гангриб,
Саждага юзландим
Риё шаҳрига.
Фосиқ — титроғимдан ҳамён шиширди,
Каззоб — қалтироғим йўйди сатога,
Ўғри — қўшиқларим қайта пиширди,
Сўзимни жойлади хатти хатога.
Ўтларга китобим қалади — Нодон,
Телба-сиёҳдоним айлади соққа.
Хоин ўз шоҳини тутиб қамади,
Тожни олиб берди ялангоёққа.
Авом — шувоқлари кўчган ҳарамда
Раият тузмакдин лоф урди чунон.
Дариғо, Ҳаққомил берган оламда
Ҳайвонга наслини тақади инсон.
Мени пир атади, қуллуқда турди,
Сиртимдан юпанди, вовайлатойим
Хавотир тонгида ойни тутатди,
Элчилар юборди онам-атойим.
Кеч мендан, кўланкам йиғиштир тангри,
Қобуғим мен билан бошлаган низо.

Чиғириб чийиргин, яшамай гангриб,
Ертўлам фазо эт, ертўлам фазо.

Кеч мендан, кўланкам йиғиштир тангри!

*1989*

## ШАЙХ ШИБЛИЙ ВА ИТ БОРАСИДА

Мусичани кўрди шайх, мусича учиб кетди,
Ҳавога тухум қўйди, тухуми синиб кетди.

Бир нола учиб кетди,
Бир вола учиб кетди.

Шақшақани кўрди шайх, шақшақа учиб кетди,
Тошни пармалаб кетди, тумшуғи синиб кетди.

Бир қонлар оқиб кетди,
Бир онлар оқиб кетди.

Ўзини ташлади шайх, ўзига тўзиб келди,
Қарқуноқни кўрди шайх, қарқуноқ тўзиб келди.

Сувларга сингиб кетди,
Увларга сингиб кетди.

Оёғини кесди шайх, оёғи чопиб кетди,
Қўлларини кесди шайх, қўли қоқиниб кетди.

Биёбонда гум бўлди,
Осмонда гум бўлди.

Кўзимни ким ёради, ғулув ичра қолди шайх,
Тилимни тортади, қўрқув ичра қолди шайх.

Ҳақиқат оҳу эди,
О, азиз қайғу эди.

Ташна итни кўрди шайх, сувга боқар эди у,
Ўз аксидан ҳадиксиб, қўрқиб қочар эди у.

Итмиканман, деди шайх,
Бормиканман, деди шайх.

Бир силтди у бошини, кўзи ёрилиб кетди,
Бир урди у иягин, тили қорилиб кетди.

Халос бўлди қулфдан шайх,
Халос бўлди сулҳдан шайх.
Оҳиста учиб кетди,
Олисга кўчиб кетди.

*1989*

* * *

Ялпиз тиккаядир, анғиз кенгаяр,
Қировдан ер чўкар,
Тош тўкар юлдуз.
Шубҳам йўқ, ҳаммадан олдинроқ йиғлаб
Кўкка кўтарилар,
Даставвал тўнғиз.

Ярим ой томларни шаксиз сидирар,
Борлиқ силлиғланар,
Яллиғланар дуд.
Шубҳам йўқ, қасирлаб куртак чиқарар,
Ҳамма дарахтлардан
Олдинроқ тобут.

*1989.*

Нимилиқ ёмғир, момиқ ер, юмшоқ осмон,
Ой луқма,
Қуёш луқма.
Осийлар арвоҳи чирқиллар, бер-бер,
Севгилим сен мени ейишдан қўрқма!
Қўлларим — раққоса,
Кўксим — нағора,
Юлдуз ойнак холос сайёра лангар.
Тамошалар аро бўлдим тамоша,
Севгилим е мени ейолсанг агар.
Шар-шар сув ёбонга тушар қум бўлиб,
Ғар-ғар ўт қутирар ёсуман ваҳм.
Қулоғимда симоб,
Оғзимда захоб,
Севгилим е мени қилолсанг ҳазм.
Дўсту ёрдан бездим,
Рақибдан бездим,
Алангадан бўкдим, оғритди ойдин.
Гул билан ўйнашиб орттирдим бола,
Ўзимга ўхшаган ўксиган, ғамгин.
Этагим ушлаган, қўйвормас тортсам,
Кўзидан тўкилар шираю шарват.
Ўтингум, сен мени ейишдан олдин
Боламга она бўл, шафқат қил, шафқат!
Тахтакачда кесгил,
Қирғичда қирғил,

Ғалвирда эзғи-ла тинчисин кўнгил.
Илтижом, сен мени ейишдан аввал
Боламга юрагинг авайлаб сиқтир.
Қонингга бўялиб,
Гулзорда ётгил —
Гуллар егизсинлар энг тотли бурдам.

Сийнангни поралаб қумурсқа кирсин,
Инграгин, руҳимдан кўрурсан фарзанд.
Йиғла-ю, сўнг мени кечиргин, кечир,
Тушун, бу ўлимга охирги чорам.
Қарагин, фарзандинг ўзимдай худди,
Боламнинг сочингдай сочи тим қора.

*1989.*

## ИЗОҲСИЗ ЛУҒАТ

Дуди оҳимнинг қуюндек печ ила тобин кўрунг,
Тийра ҳажрим оқшомининг баҳри гирдобин кўрунг.

*Хазойинул маоний. Навоий*

Хайри хўш бобо!
Сиз билан чой ичгани келдим,
Ҳозир чой қуясиз,
Нон ушатасиз.
Мен сизга шоир бўлганлигимни
Негадир керилиб айтаман,
Сиз бўлса мулойим жилмаясиз,
Сукут сақлаб ўлтирасиз шундоққина,
Елкангизда сандувоч ўлтиради.
Оғиз жуфтласам учиб кетади,
Минғирлайман, сандувоч дейман, сандувоч...
Индамайсиз...
Мен бўлсам зерикиб кетаман,
Бармоғимни ўйнай бошлайман ногоҳон,
Бошингизни кўтарасиз,
Пичирлайсиз:— Юракни кўз этмажак макон,
Тушунмайман,
Талмовсираб елкангизга қарайман.
Сандувоч бошини қимирлатар бир маром,
Яна минғирлайман: қуш, қуш...

Пичирлайсиз, тилни ипдек эшиб бўларми,
Кейин санаб бўлурми жонни
Охирги кунгача, узмасдан.
Талмовсирайман,
Сиз бўлса куласиз, куласиз...
Хайр хўш!
Сиз билан гаплашгани келдим.
Чой қўясиз,
Нон ушатасиз,
Мен бўлсам ҳовликиб кеча эшитганим:
— Чингизхон онасин қорнидан
Бир парча гўшт узиб тушган...
Тағин нималардир...
Айтавераман, айтавераман,
Сиз тағин индамай ўтираверасиз,
Ичим қизир, бармоқларимни букаман, очаман.
Пичирлайсиз:— Одам —
Этга ўралган, эт эса заҳар.
Косасида биқирлаётган — кўпикдир?!
Тушунмайман, минғирлайман,
Терим ҳам минғирлагандай бўлади.
Донолик қиламан:
Қачон ер динлардан қутилар?
Ранжийсиз.
Елкангизда сандувоч бошин силкир бир маром,
Лабларингиз билинар-билинмас қимирлайди.
Эшитаман чоғи:
Оёққа тушган қон қорайяр...

## 2

Олахуржун кўтариб юради саховатпеша элчиси,
Бир қарасанг табибга ўхшайди,
Тимирскиланиб юргани-юрган,
Қайчиси, катта қилиб кўрсатадиган ойнаги,
муҳри бор,

Ҳар куни минг-минглаб кишиларни қайчилайди,
Ҳар юз йилда ойнаги-ла ерни ёноқдай айлантириб
қарайди,
Ҳар минг йилда
Гумроҳ миллатларга муҳр босади.
Ҳар юз минг йилда одамларни огоҳлантиради:
— Лаънатилар тийилинг!
Ҳар юз миллион йилда қуёшни этаги билан ёпади,
Ва миллиард йилдан сўнг

Сув кечиб,
Олов кечиб,
Лой кечиб
Келади:

— Эй тийилмаганлар тийилиб бўлдингизми?
Ва ҳаммани бошқатдан уйғотади.
Шу уйғотишда мен ҳам уйғонарман.
Шунда фароғат мамлакатлари, миллатлари, одамлари
Ҳеч қачон бир-бирларини камситмасликка онт ичишади.
Тилни, қалбни, наслни бузмасликка, эзмасликка
Қасамёд қилишади. Тийилишади!
Денгизларни қуритишмайди,
Ўрмонларни кесишмайди,
Осмонни тешишмайди,
Тийилишади.
Шунда сизни яна кўраман,
Сиз чой қуясиз,
Нон ушатасиз.
Сукут сақлайсиз, асло зерикмайман,
Пичирлайсиз:— Одам Сочдан тирноққача
пишган-пиширилган
Умиддир...
Тушунаман.

## 3

Мен дунёни кемирувчи ва кемирилувчиларга бўлган Файласуфнинг арвоҳини кавакларда липиллаб чийиллаётганини эшитдим.

— Чиййй-чиййй, деди у бир кавакдан,
Ғажиййғажиййй деди у бошқа кавакдан.
Оппоқ, момиқ тукли бошини чиқариб:
— Эй, сен танаси ярим сичқон банда!
Ярмингни кимга ютқаздинг, деб сўради.
Совуқ увушиш товонларимни сиқди,
Наҳот?
Тукларим ғижирлаб-ғижирлаб қўйди:
«— Таммоғи, таммоғи, таммоғи...
Кекирдагим тортилди, тишларим вижирлади:
— Таммоғи, таммоғи, таммоғи...
Ярмимни ютқазиб қўйганимни сездим.
— Чийй-чийй...
— Чийй-чийй...
Сен ярим кемирувчисан!
Қандай қилиб?
Севган қизимни алдаб кетганлигимни эсладим,
Онамни ранжитганлигимни хотирладим.
Ўз элимдан уялганлигим ёдимга келди,
Овоз чиқаришдан қўрққанлигимни эсладим.
— Чийй-чийй...
— Чийй-чийй...

Бу овоз мени эмас, бу овоз мени эмас, бу овоз, мени эмас...

Айтинг, бас қилсин!
Кўзини лўқ қилиб, турмасин бунда.

## 4

Қўли маймунникидай чайир,
Оёқлари филсиёқ,
Бир урса осмонни тўнтариб қўяди.
Кўзлари менинг кўзларимга ўхшаган.
Фарқи кўзи унинг чуқур.
Белкуракка суяниб тамаки тутатиб турар эди у.
Салом бердим.
Жовдиради.
Шивирлади майин:— Хўжайин кўрса ранжийди,
Бу ерга таъқиқланган кириш!
Нонуштага сут бермай қўяди,
Тушликка ёвғон,
Кечқурун нима ейман!
Кет, кет, кет.
Мозорни шашт билан текислай бошлади.
Оёқлари, қўллари, қўллари, оёқлари
Бир, икки, уч —
Тилла топди, қопга жойлади,
Кумуш идиш топди туфлаб, енги билан артди.
Гумбазгами, миноргами белкураги тегди —
Майдалаб ташлади.
Олдига бордим яна:
— Нима қилаяпсан?
— Хўжайин хурсанд бўлади,
Сут беради,
Ёвғон беради,
Ош беради кечқуруч,
Кет, кет, кет!
Эгилди, букилди, турди,
Белкураги билан суякларни ирғита бошлади,
Вовуллаб итлар келдилар.
Биттасига кос суягини,
Тавон суягини бошқасига,

Калла суягини каттарогига,
Кичикрогига бармоқни улоқтирди,
Итлар вовуллаб суякка ёпишдилар,
У белкурагига суяниб яна тамаки
тутатди.
— Хўжжа-йин хурр-санд бўўлаааади, деди.
Чекиб бўлгач шашт билан ери яна ағдар-тўнтар
қила бошлади
— Эшшак дедим, қўлидаги белкурагини тортиб олдим.
— Ўлдираман.
У ҳайрон бўлди, Анграйди. Бирданига пиқиллаб
Йиғлай бошлади:
— Сен хўжайиннинг душманисан, сен давлатга қарши
Сен... сен... сен...
Хўжайин мендан хафа бўлади.
Энди нима ейман?
Бошини сарак-сарак қила бошлади,
Эшшакдай чопди-да, кетди.
Гангиб туриб қолдим узоқ муддат,
Кейин қўлларим, оёқларим,
Оёқларим, қўлларим,
Бир, икки, уч...
Мозорни текислай бошладим.
Кучандим, тиришдим — ўзимни тўхтатолмадим,
Беихтиёр пичирлай бошладим:
— Хўжайин хурсанд бўлади,
Нонуштага сув беради,
Тушликка ёвгон.
Хўжайин келади кечки пайт,
Бошимни силади:— Яша!
Қўлларини ялаб нима учундир раҳмат айтдим.
Йигирма қоп тиллани бердим.
Марварид, зеб-зийнат — мозордан топганимни бердим.
Нимагадир боя эшшакдай чопиб кетган йигитдан
шикоят қилдим.
— Топиб дорга осамиз, деди у. Ношукур кочибди-я...

Нимагадир хурсанд бўлиб кетдим,
Оёғидан ўпа бошладим.
Бошимни силади:— Ишла! Менга содиқ бўлсанг
ошиғинг олчи...
Иргиб белкуракни қўлимга олдим.

Менга нима бўлган ўзи, менга нима бўлган ўзи?
Қўлимдаги белкуракни синдиринг тезроқ!
Хўжайин ким ўзи?
Нима ўзи мозор?

## 5

Ҳотам ўбданлиқ қилди қариган чоғида
Қасрини етимга, олтинин гадога,
Сўқирга хассасин, чўлоққа туясин
Берди-ю, узлатга чекинди «сафога».
Қушлар капа кўтардилар олиймақом,
Чумоли қишлигидан ажратди тортиқ,
Айиқ асал атади, ўргимчак гилам,
Илон киймаган кийимларидан,
Тошбақа коса, жайра бигиз,
Топганларин келтиришди Ҳотамга.
У олди хижолат чекиб:
— Қайтарурман деди.
Узлатнинг олтинчи ойида
Маймунлар капани тўлдирдилар
Хурмога, ёнғоққа, дўлонага.
Кетаётиб оқиш маймунчани қолдирдилар:
— Эй, Ҳотам иссиғинг бор, совуғинг бор,
Бу сенга хизматкор, истасанг ўғил...

Ҳотам оқиш маймунчани тарбият қилди,
Ювди, таради, асради кўз қаросида,
Ўргатди инсонийлик урф-одатларини,

Ҳотамликни сингдирди, марҳаматни киритди дилига,
Афсуским, қариликнинг алмисоқ йилида
Жабдуқни йиғиштирмоқ фарз ойда,
Оёқни ер тортиб сўрайдиган қарз кунда
Ҳотам оқиш маймунчага айтмасдан
Малойикаларнинг аравасига ўтирди:
— Сени худо асрасин болам!

... Оқиш маймунча жудоликдан ҳиммат туйди,
Пирдан из деб сезди ўзини.
Хайрман тутунган отадин.
Қолдирилган эҳсонман,— дея қийналди,
Изтироб синовидан ўтиб
Капани топширди она бўрига.
— Туғ, деди, шу ерда болаларингни,
Муҳтожлик кўрмассан.
Отамнинг иси бор, ислаб тўярсан,
Ваҳшатдан озодсен, даҳшатдин озод!
Мен оламга боргум, одамга боргум...
Оламда Одам Исони михларди устунга,
Муҳаммадни тошпаррон қиларди қувониб.
Сулаймон фарзандларин зириллатарди,
Юсуфдан қизғанарди севгини...
Ҳўнграб бўйнини тимдалай бошлади оқиш маймунча,
Шакар томирини узди:— Отажонни!
Пескўзлар шиғирлади:— Маймун, оқ маймун!
Ушладилар, қафасга солдилар, тамошо қилдилар,
Юзига тупурдилар, чўп чиқиб урдилар,
Оқиш маймунча шакар томирини суғураверди,
Хўнграйверди:— Отажонни...

Ҳайҳот, Адл қамчиси силкинмайди қачонга қадар?
Ҳотам ўкирмайди нега осмонда?
Тутқунлик чўзилар қачонга қадар?
Жабр қачон битгай, сабр қачон битгай?

Зормандаман зору зор жабрдан эрк китоби битилур,
қай тонг
Ажабмаски, қайтса Ҳотам Адл қамчисин силка.
Қафаслар тилкаланса, озод бўлса онг,
Кўксимни тутиб берсам, кўксимни тутиб берсам...

## 6

Дўконимни ёпиб кетсаммикин энди?
Аттору баззознинг замони замон,
Қўли, оёғи чаққонники бу ҳаёт,
Боши ҳисобдонники бу турмуш.
Дили бийрон — вайрон, ундан ҳамма безор,
Дилдан чун нон пиширилмас, гўшт чиқмас;
Унга экиб бўлмас, кўпайтириб бўлмас.
Келадигани азоб, берадигани ҳайрат,
Азобу ҳайратда фаровонлик бўлмас, тўқчилик бўлмас.
Асли ҳўкиз шоҳида тургандир дунё,
Шунданми, ҳезланиш, депсиниш, туғёнлар.
Ҳама олгиси келар, бергиси келмас,
Дилга ёв ҳама инсонлар, замонлар.
Бир дили бийроннинг хотини фоҳиша,
Бирисига подшоҳ атаган зиндон.
Бириси ўқ узар, бириси осар,
Бириси... Ундан ҳам безор оломон.
Масхарабоз санъат оламига бошлиқ азалдан,
Қадимдан кўз бойлоғич сўз сандиқларин муҳрлар.
Ҳикмат хазиналарин қўриқловчи —
хизмат кўрсатган муттаҳам,
Тарих саройларин эшикоғаси — қаҳрамон қўрқоқ.
Чегарачилар қонуншунос Одам атодан кейин,
Дилга жой берилган терининг ичидан.
Буюрилган, юрак учун хавфли, яқинлашмасин!
Яқинлашса, йўқотинг...

Дўконимни ёпиб кетсаммикин энди,
Ҳеч вақо йўқ унда дилимдан бошқа,
Шодликми, аламми, армонми, алланима сўзлар,
туйғулар, ҳислар
Шу дилимдан-да чиқар,
Шу дилимдан-да оқар.
Лекин одамлар келмаслар кечқурунлари,
Кутавериб, зерикдим, улар
Қизиқмай қўйганлар аллақачонлар:
— Ҳақиқат тонгларига,
Самовий гулханларга,
Муҳаббат чаманларига.
Улар — мушакларни шиширтиришга киришганлар чунон,
Югуриш билан банд, тош кўтариш-ла масрур.
Севгини қолдириб аёллар томошага кетган,
Ҳувиллаган сеҳртуйғу кўчалари, бас!
Дўконимни ёпиб кетаман энди.

## 7

Тўрт қирғоқ бўйлаб, амалсиз, чорасиз аъмолсиз
ўтавериб, юраверив,
Ўқчийвериб, айнийвериб оқибат ўлик қарғанинг
жасадига дуч келиб

Арраланган дарахтдай йиқилиб, руҳим мана бу бўш қафасга ўтса эди деб қарғанинг қайчидай очилган тумшуғига пуфлаб ўтирган Одам

## Кечикдинг!

Қизил ва сариқ шоқол кўз узмай кузатиб турибди ҳар бир ҳаракатингни. Кўзингдан, бурнингдан битлар чиқмоқдалар амал-тақал қилиб, Оғзингдан семириб кетган қурбақа зўрға тушаётир, кекирдагингни ёриб юборар

Зулук, қулоқларингдан ҳашаротлар қочар турли-туман,
сени ташлаб қочаяпти сафрода, балғамда, ўтда ва қонда
тарқагайлар.

Кечикдинг,

Беҳуда пуфлайверма, руҳинг ғарқ этилган Нажасга.
Ижирғаниб кўз узмай кузатиб турибди қизил ва
сариқ шоқол,
Йиғлашингни пойлаб ўтирибди қимирламай қизил ва
сариқ шоқол,
Йиғладингми сени бурдалашга тушади қизил ва
сариқ шоқол,

Арзимассан,
Кечикдинг!
Ватанинг бор эди сотдинг,
Онанг бор эди, отдинг,
Ўғлинг бор эди, қиморда ютқаздинг,
Лаззатга, сафога, ишратга алмашдинг бору шудингни,
Чўчқага хизматга кирдинг, тўнғизнинг амрини
бажардинг,
Юртингнинг тўралари қилдинг момонгни зўрлаганларни.
Эсизгина одам, қарғанинг тумшуғига пуфлаб уни
саситаяпсан холос,
Эсизгина одам, қорайиб, пўрсиллаб, заҳарланиб
тугаяпсан,
Ижирғаниб кўз узмай кузатиб турибди қизил
ва сариқ шоқол,

Йиғлаяпсан-а, йиғлаяпсан...
Мен сендан — кечиккан одамдан нафратланмайман,
жирканаман бир қадар,
Ачинаман, афсусланаман ибтидоки, улгурганлар оз,
кечикканлар сонсиз,
Тўрт қирғоқ бўйида балғаммушукка эргашганлар
саноғига етиб бўлмас.

Сафроқушга эргашганлар, йўлбарсўт панжасига
тушганлар,
Қонбалиқ вужудин тўнкаргач, чўкканлар ҳисобин
олиш мушкул,
Фақат — Қизил ва сариқ шоқолни жазолашга жўнатган
Кечикмадиммикин, Одамни қутқармоққа?!
Йиртқични қайтармоқ мумкинми аслига?
Балки Одам эмас, кечиккан жазо!
Ҳаммаёқ йиғи, ҳаммаёқ йиғи, ҳаммаёқ йиғи,
Йиғлаяпман мен ҳам, йиғлаяпман мен ҳам...

## 8

Эртадан-кечгача тоатим-ибодатим сўзга,
Итоат кўнгилга, муҳаббатим гулга,
Хаёлим фариштадай Қибриё авжлари сари бошлайди,
Риштам нурга қадалар, нур риштамга,
Тунайдиган гўшам ой соҳили,
Маъданлар ҳаракатин кузатаман, алҳол
Ялтироқ, қабариқ мувозанатда.
Эпкин бурқситаётган қайирма шоҳ ададсизлик буғулари
Кундан-тунга,
Тундан-кунга сакраб ўтишида емрилган
Шаклларга кираман-чиқаман.
Азозиллар лашкарлари, думли юлдуз шиддати
Бириккан мақомдан сиқиламан, йиқиламан, тиқиламан...
Кузатаман лоқайд бағрим ўприлишини,
Ичакларим талвасада коинотга ташланар,
Ташлангани сайин узоқлашади у.
Ёлғизман ёлғизлар даврасида,
Буржлар ортига йўлловчилар бедарак.
Юлдузлардан келганларнинг овозлари
Янграмас лойқаланган бу бедорликда,
Тунайдиган гўшам ой соҳили,
Тушаман ёйилган толаларга осилиб,

Самарқанд қалқийди, мадрасаларда
Қарғалар муаззин, томоқ қирар: қарр, қарр...
Ўпкам тўлар оғирлашаман ҳадсиз.
Кезаман таниш кўчаларда толғин.
Ўтираман чеккагинада
Темурдан берироқ
Аччиқ жаҳд қақшатар, тураман ночор,
Регистон савлатин тўкар, фаввора
Тўтидай йиғлайди сохта пишиллаб:
— Сенамми оввора...
Тасдиқлаб бошимни қимирлатаман,
Қайриламан секин қадим қирларга.
Ҳеч нарса айтмайман, ҳеч нарса
Елкамни қўпарган шерларга.

Буржлар ортига йўлловчилар бедарак,

Кибриё авжларин тиндиргувчи ғусса
Юпанчига кўндим.
Мени тушларимда қўрқитманг, тўлдим.
Эртадан-кечгача тоатим-ибодатим сўзга,
Бўларим бўлди, бўларим бўлди...

## 8

Ипирисқи супургига ўтириб
Ялмоғизликдан китоб ўқиётган малика.
Туяни шаҳзодага айлантиришга киришиб
Кампирликка етди.
Орада маликага эр бўладиган
Кунчиқар шаҳзодаси
Кунботар юртини куйдирди.
Оқибат ой қуёш йўлида сасиди.
Орада маликанинг отасига тобе бир элат
Туя тилида сўзлашиб.
Туяча йўриқларда юриб
Ўркачли мавжудотларга ўзгарди.

Орада шоҳ зоҳидликни бўйнига олди,
Орада мушуклар чақалоқларни ютиб
Бешикларда болаларин белайдиган бўлдилар.
Орада Иблис қизларини турмушга чиқарди одамларга,
Орада ипирисқи супургига ўтирган малика
Туянинг чўриси бўлди, ялмоғиз эмас.
Тагини тозалади,
Сув ташиди,
Янтоқ териб юрди,
Ғафлат чоқларда қучоқлади:
— Шаҳзодам...
Орада ёғнйлар мамлакатни бузиб қайтдилар,
Орада Бойқушлар кўч-кўронлари-ла келдилар,
Орада Давлат қулади...
Оралиқда
Тақир бепоёнлик,
Ўркачли кампир янтоқ терар,
Қудуқ қазир, сув олар.
Кунмисан-кундай йигит хипчин ўйнаб
Ўлтирар ўркачида...
Ора-чарада Қуёш куйган патирдай
Ғилдирар доирада.
Ора-чарада тонгнинг кўзи ёрир — қизи туғилар.
Чўққилаб йўргаклашар укки лар...
Ора-чарада кундай йигит қучоқлар ўркачли — туя —
кампирни
Ора-чарада...
Хато ва Адашиш дарбадарликка Маёқ,
Оралиқ мавждирки тортаверар бирваракай.
Маёқ шуъласини тўсиб қадрига сазовор бўлмаган
Нари борса туя,
Нари борса ҳайф.
Ипирисқи супурги, ипирисқи супурги, ипирисқи
супурги
Кун ва тун,
Тун ва кун...

## 10

Сезимларим шангиллар, Уйқу хишиллару тутқич бермас,
Дириллайди асаб қилларим.
Тўрт кечами, беш кеча, тўртми беш ўғлон.
Лаган кўтаргунча туришар:
— Абдувалимисан, лаганга боқ-чи?!
Боқаман, унда илон бирам кўзлари мунглиғ-мунглиғ...
Сени суяди дейишар, тўртми беш ўғлон,
Лаганни қўйишар.
Илон юзар оҳиста-оҳиста.
Учтамми-иккитами уни силашар.
Биттами тўшалар тўшакдай,
Тўшакка ботаман илон-ла.
Чинордай юксалган мойчечак учида.
Эшиги новдадан, томи хазондан,
Деразаси қировдан иморат ичида.
Ибодат қила бошлайман ногоҳон.
Эшикни очаман Асалари сало айтар қуббалари райҳон жомеъда,
Бор дейди деразадан гулакс,
Узр сўра!
Чумолиларга қўшилиб бораман,
Чумолиларга қўшилиб қайтаман.
У тўртми беш кечани ўтқазиб вишиллар,
Оҳиста-оҳиста сирғалар.
Ибодат қиламан, сиғинавераман...
Сирғалиб ёнимга тушади,
Ибодат қилади мен билан.
Аста-секин онам қиёфасига киради,
Аста-секин отам қиёфасига киради,
Аста-секин укаларим-сингилларим,
Қариндошларим қиёфасига киради.
Аста-секин қиёфамга кирар...
Тўртми-беш кечани ўтқазиб
Уввос тортамиз биллониҳоя,

Ташланамиз бир-биримизга,
Ибодат қиламиз бир бўлиб.

Сезимларим шанғиллар қанчалик йироқман-йироқлик
Усканжасига олган, сиққани сиққан узроқ.
Таъбир айланг, таъбир бугун лаганнинг ости йўқ,
Илон йўқ кўзлари мунглиғ-мунглиғ...

Уйқу фоҳишадай бағрига тортавергани-тортаверган.

Беш йилми, олти йил,
Йигирмами-йигирма тўққиз йил...

## 11

Юзи чўтир қоронғу
Сенга бу юртда нима керак ётиб олгансан бемалол,
Қуёшни ўрагансан пайтавага.
Ҳар замон кўрсатиб қўясан, истасанг.
Қопонғичсан, деразадан қараганга ўқраясан,
Шам ёқанни берасан шамолга нимталашга,
Тупроқни ялаб, жонини суғуриб бўлдинг-ку,
Одамларда нима айб? Кўзингга қон аралашган.
Сениям энанг борми қоронғу?
Ҳомилага ўчсан, Аёлнинг қорнига муштлайсан,
Далага ҳайдайсан, уйидан қувасан,
Шафқат сўраса киш-кишлайсан,
Ёлборса тепасан, тепа-ааа-сан...
Қоронғу
Бу юртда Гўрўғлилар туғилар, фақат
Гўридан чиқолмайди, гўрни ватан билар, қилар
қаноат
Бу юртда мозорқизлар туғилар, лекин
Бачадонида титроқ, бачадонида ҳасрат.

Ўлимнинг меҳрига сазовор бўлганлар водийси,
бу водий,
Ожизлар маскани бу маскан.
Эрки уйқуга кетганлар, белида илиги қуриганлар
Сизга нима керак ватан?
Юзи чўтир қоронғу
Ётиб олгансан бемалол, кетгинг йўқ,
Мен сизларга бахт келтирдим деб дўқ урганинг урган.
Гарчи қуёшни ўрагансан пайтавага,
Гарчи ойнинг юзи қирилган.

Гарчи...
Ҳаққа етадиган Луқмони ҳакимлар туғилар,
Юзи чўтир қоронғулар ўчар, қораси кўринмас.
Ўшанда зах гўрда безавол кулаётганларни эшитиб,
Тик туриб бир марта кулсам бас!
Кулсам бас!

**12**

Кун-кеча ўйлайман
Қирқ ямоқ бағримни чумдугига илиб
Аршгами фаршгами кўтарилсайди қалдиргоч.
Оёқчалари хонқизникидай руҳлар,
Бағримни қоқсалар:
— Садқайи сар...
Бошпана берсалар ва унда жимгина кун кечирсайдим.
Гунгми — кўрми, ҳар нечук бир аёл,
Ямоқларимдан кириб шипирсайди,
Тозаласа юрагим ўрнини.
Овқатга унаса қарағимда...
Олинг деса, олсам,
Топ-тоза ўрингга кирсам, донг қотсам, жимгина
ухласайдим.
Кигиздай қалинлашиб, истеҳкомдай кенгайсайди
ухласайдим.

Ўнлаб хоналарида тентирасам — хосхона, дилхона,
хаёлхона...
Қайси бир хонада ранглар ва оҳанглар тусида
Туслансайди қизим,
Кўзимнинг ипагидан кўйлаклар бичиб
Мен уни паридай ясантирсайдим.
Қувончга ғарқ бўлиб, жимгина кун кечирсайдим.
Жимгина... Жимгина... Жимгина...
О, Дариғ!
Қўқонда тасирлар хиёнат милтиги,
Тифлисда зирҳ, калтак, белкурак
Инсондан қўяди ўзини устун.
Сариқ офат келар ёприлиб,
Эгатлар қаппаяр тирик ваҳмдай,
Этагига солар болаларни
Охирсиз мунг,
Охирсиз мунг.
Билмасайдим, кўрмасайдим — Ғўзапояҳоким
Фармонлар битади, яна яшашга.
Қуллуқдан бошлайди ҳам фан, ҳам илм,
Қўл қўймас рухсатга, одамдай, одамдай
Яшашга, яшашга, яшашга...
Муштимни тутаман,
Қирқ ямоқ бағримни тумшуғига илиб
Қишлоқма-қишлоқ, шаҳарма-шаҳар ўтаётир бўри.
Оёқлари арслонникидай одамлар
Бағримга ташланган:
— Садқайи сар...
Жимгина кун кечиролмайман,
Жимгина кун кечиролмайман!

## 13

Арзим шу Баҳоваддин Балогардон,
Ки мани доимо алдашган.

Дейишган, шамсий қарлуғоч қоринчасида улуғ тугар,
Саодат уруғи.
Бу уруғни қадаган кунда мунаввар марҳаматидан
Барча улуш олар баробар.
Менга бу улушдан тегмаган.
Теккани икки дарё, ўртасидаги ер ҳоло
Жаннатер — иржайган, тиржайган талон пирларининг
Ҳирсин қўзғатган.
Босқин гармселлар хўжалари ишратгоҳи
ва мен таом ташувчи.
Алдашган, етмиш пағонали кўзасимон олам
қурилар деб
Қарлуғоч қоринчасидан тушган зарра тупроқдан.
Ҳар поғонасида китоб, ўттиз бешинчисида
майи ойдин,
Тенглар қаторига кирурсан,
Саодат хирадига бўлурсан эга!
Пуч ёнғоққа тўлди қўйним, пўчоғидан армонҳужра
топдим,
Ўксиб яшаяпман ҳануз.
Алдашди Баҳоваддини Балогардон!
Миямга пашша тўлган,
Кўзим чечакка чалинган,
Тилим қармоққа илинган,
Ичим кепаклаган,
Элим гуруҳга, тўдага бўлинган.
Биродаримга қасдим қўзир, қариндошимга ўчим,
Жигаримни егим келар, ақрабомни бўғгим,
Мен оғир касалман,
Касалман, касал —
Халос этинг,
Халос этинг,
Ҳайҳот!
Мени даволашаётир сизсиз, арқонлар, богичлар,
қисқичлар,
Ериб кўришяпти, омбурлар, қайчилар, пичоқлар,

Тикиб қўйишяпти, бигизлар, игналар, найзалар.
Оғриқдан бужмаяман, ўғлим боқар кўзи тўла ёш,
Лабимни қисаман, илжаяман:
— Ҳечқиси йўқ!
— Ҳечқиси йўқ!
Ҳечқиси йўқ, келмасангиз ҳам, ҳазрат Баҳоваддини
Балогардон,
Чидамак ҳунарим, бардош ҳунарим,
Кўзасимон оламда сарварларим йўқ.
Радман, тонилганман, сиздан илтижо,
Таҳқир, ҳақоратлардан,
Миннат, маломатлардан,
Шу хаста ўғлимни қилинг эҳтиёт,
Бу рангпар ўғлимни қилинг эҳтиёт?!
Арзим шу Баҳоваддини Балогардон...

## 14

Чангалак тўқай, кўлмак, тўр, тўр ичида бақа,
Ажиб шижоатда тошдай қотган олам.
Бақанинг кўзида мурувват,
Одамнинг юзида таранглик.
Кўлмакнинг тубида тўхтаб қолган тилла соат.
Вақтни ким юргазар?
Юрди у, одам бақани тўрдан олар, қийқирар
бахтиёрликдан,
Бақа шуъла тўкар, сакраб чиқар унинг бошига.
— Олға, олға, олға...
Вақтни ким тўхтатар?
Тўхтар у, ҳаммаси маълум:
Бош тушиб кетар, бақа бош бўлар,
Одам байроқ кўтарар, бақа совуқ нифоқ сəлар.
— Олға, олға, олға...
Тўқай чангалак, қопқон, қопқондан ҳайиқиб
турган кирпи,
Нажиб ҳайратда тек қотган одам.

Кирпи кўзида саҳоват,
Одамнинг юзида ҳаяжон.
Қопқонда қисилиб тўхтаган тилла соат,
Вақтни ким юргазар?
Юрди у, Одам кирпини олар, қийқирар масрурликдан,
Кирпи оғули тикан отар, чиқиб борар унинг бошига,
Бош тушар, кирпи бош бўлар:— Олга, олга, олга...
Вақтни ким тўхтатар?
Ҳаммаси аён:
Нифоқ сочилар, оғули тикан санчилар, олағовур,
Макон — мақсад — келажак — замин.
Бақабош сийриб юрса,
Қийириб юрар кирпикалла,
Алхусус икковида ҳам байроқ.

Чангалак тўқай ёхуд тўқай чангалак,
Муртлари тиррайиб, кўлмакка киради бириси,
Бошқаси қопқонга тушади чиқмас.
Бақа кўзларини очади — кўлмак
Дорлар, симлар, ханжарлар ўшқирар.
Кирпи кўзларини очади — қопқон,
Йиғи-сиғи, дод-вой денгизи гувранар.
Чангалак тўқай ёхуд тўқай чангалак,
Бақамти тирикчилик ўтқазар
Икки одам,
Кирпи ва бақа...
Тилла соат фазо деворида, капгирчалари
аралаштираверар
Аён-ноаён,
Баён-нобаён,
Тамом-нотамом.

## 15

Менинг ёмонлигим бўлса кечиринг,
Учиб кетай дейман, юким оғир, ўғрим ночор,
қароқчим ландовур,

Давлатимни садақа қилай десам, давлатим эски,
Халал бермаётган бўлсам, қўйинг, яшай,
Тупроққа сигмай қолмайди ҳеч ким.
Енгилгина онамни кўтариб боролмайман орзусига,
У кўтарар доим аламимни, ғамимни.
Бошимни қўймоққа жой тополмасам,
Қучоғидан жой берар онам.
Ғашингизга тегса ҳасратим касри урган қоғозлар,
Йиртинг хоҳласангиз, лекин кўнглимга тил тиқманг.
Менинг ёмонлигим бўлса кечиринг —
Хайрингизни бергай кечирган.
Узр, овозимни қамайман туйнук очиб қочар;
Бўғаман эркимни — руҳим қутқарар.
Яхшига ёндошмас, ёндошгани ўлим,
Баҳслашар...
Ютқазгани — ютқазган ўйинда, бўйин қўймас,
Қилич кўтарганга тик боқар:
— Сўй, дейди.
Қилич сўймас чопар, у ўлар ўлмас.
Ҳолимга қўймас.
Менинг ёмонлигим бўлса кечиринг,
Тўғаноқ қўймаганман тўғнағичдан.
Чайналганим чайналган
Тақдир туфламаган сақичдай.
Бола-чақамнинг кунига ярамайдиган вайронага
ўхшайман,
Тоғ менинг олдимга келмаган,
Ой кирмаган ёстиғим остига.
Аммо ўзим бораман деб қақшайман,
Харсангкўрпа умрим тортилар устимга.
Гадолар хилватлари йўқлик ганжларидан чароғон,
Меъдапиёлалар синдирилган, кўнгил тўқ.
Мен тўйдир деб сўрамайману,
Аммо Зулфида фалак бошланган,
Пойида ер турган
Исинай десам, паноҳига йўлатгани йўқ.

Менинг ёмонлигим бўлса кечиринг,
Учиб кетай дейман, юким оғир, қароқчи ландавур,
ўғри ночор.
Давлатимни садақа қилай десам, давлатим эски,
Кечиринг мени,
Сизни ҳам, мени ҳам айирмай тенг кўрар тупроқ —
Онаизор,
Онаизор,
Онаизор...

## ХОТИМА

Таҳликасиз тин.
Гўдак йиғиси йўқ,
Қарғиш йўқ.
Уйлар тўла ўйинчоқ — ҳадик йўқ, кўнгил тинч.
Кулгу кўп, ханда кўп, табассум кўп.
Меҳр беҳисоб, оқибат беҳисоб,
Ижирғаниш йўқ, жирканиш йўқ, шафқат кўп,
Тажовузсиз палла ҳузур чексиз,
Севгидан жаҳон,
Севгидан вужуд.
Таҳликасиз тин.
Эҳтиёжга муҳтожсиз умрлар беҳисоб,
Комиллик санъатин эгаллаган сонсиз.
Зуғумсиз,
Зўрликсиз,
Илдизни илдизга улай олган кўп.
Уйқу ва бедорлик сарҳадларида
Уч йўқ, ғазаб йўқ, қасд йўқ.
Сўқмоқлар кўп — бориб қайтиш мумкин,
Айтиш мумкин мўъжизаларни.
Хабардорлик кўп,
Мурувват кўп,
Йўл мавжуд — таҳликасиз тин.
Авлодлар аждоддан

Бедоддан эмас,
Қадимий қон қувурлари, онг симлари
Тафаккур жилғалари қуйилган ўзан
Ўраган, чирмаган
Ер мавжуд — ватан.
Тажовузсиз палла — бегоналик йўқ,
Гўдак кўп, юрак кўп, алла кўп.
Айириш йўқ, қўшиш йўқ, узиш йўқ,
Ҳамдамлик кўп,
Бирдамлик кўп,
Одамлик кўп.
Бармоғим қабоққа қўйдим ўртанди,
Эмрандим, нигоҳим тинди, айланди.
Билдим, аъзойи баданим ҳаёт ширасидан,
Ҳамширам — турна,
Қондошим — жайрон,
Жигарим — арғувон.
Ҳоки туробданман, иним — қумурсқа, оғам — от,
Билдим — Одамийзотман,
Одамийзот..,

*1988—89*

## ИСТЕҲЗО

Кимга керак бу сўз?
Шафақлар томчиси,
Уфқнинг толаси кимга керак?
Юрагимни кулолдай муштлаб эзаяпман
Ҳуштак ясаяпман, ҳуштак.
Кимга керак?
Кўзларимни ситиб чиқараяпман, ситиб,
Сурма пишираяпман ундан.
Тилимни...

Бир парча тил кимга керак?
Самарқандга етиб олсам бўлгани,
Бағримни тупроққа бериб тўлғангум.
Чўпонотадан думалаб йиқиламан.
Ечиниб
Сувилонга айлангум.
Уст-бошим кимга керак?
Кимга керак?

*1987*

# МУНДАРИЖА


«Она» . . . . . 3
«Лайлатулқадрлар...» . . . . . 4
Чойхона . . . . . 5
«Мен шоир эмасман...» . . . . . 6
Юсуф мерган . . . . . 7
«Холсиз кўчани» . . . . . 9
«Муштлар ғазаб...» . . . . . 9
Гулчеҳра . . . . . 10
Висол кечаси ҳақида қўшиқ . . . . . 12
«Йироқларнинг ярасини» . . . . . 13
«Дингиллаган тулпорим» . . . . . 13
Йигирма тўрт соат . . . . . 14
«Қалқиб кетар...» . . . . . 24
«Сен дединг...» . . . . . 25
«Булутни чувиб ташлар...» . . . . . 26
Оташин ишқ шеъри . . . . . 27
Аҳад дўстимнинг хасрати . . . . . 27
Чол ва уч ўғлон ҳақида эртак . . . . . 28
Хўрсиниқлар . . . . . 31
Уч тасвирдаги дард баёни . . . . . 37
Ғани чавандоз . . . . . 39
Пианино . . . . . 40
Ҳолат . . . . . 42
Таҳайюл . . . . . 43
«Ҳибс этилганман» . . . . . 47
«Ғайрий дарахт...» . . . . . 48
«Ғарибу ғурабо фурсат...» . . . . . 48
«Олхўри...» . . . . . 49
Чумоли ва жаноб ҳақида шеър . . . . . 49
Ривоят . . . . . 50
Иблисга . . . . . 51
«Кўзларинг кўз эмас...» . . . . . 52
Ер қаърига ёхуд амакимга хат . . . . . 52
Чорбаҳра . . . . . 60

Икки метафора . . . . . 60
Ҳикоят . . . . . 61
«Шундайликка шундай...» . . . . . 62
Шаҳар . . . . . 63
Қаландар . . . . . 64
«Изладим, изладим...» . . . . . 65
Яна бир хонимга . . . . . 67
Намчил куплар . . . . . 71
Афсонавий қўшиқ . . . . . 71
Эзгу руҳ хусусида фикр . . . . . 73
«Ёғ ёмғир...» . . . . . 74
Шеърият бўлими — 1987 . . . . . 75
Эртаклардан бири . . . . . 76
Таажжуб . . . . . 77
Айирбош . . . . . 78
Тасаввур лаҳзалари . . . . . 80
«Таҳайюл тунида...» . . . . . 94
«Қишдан ўтиб олсак...» . . . . . 95
Исмсиз ҳасрат ҳақида икки шеър . . . . . 96
«Каҳкашон сайрида...» . . . . . 97
«Ниначи қанотин...» . . . . . 98
«Тиззангда юрагим...» . . . . . 99
«Не дейин...» . . . . . 99
«Чарх ўткир қилиб қўй...» . . . . . 100
«Панд» . . . . . 101
Икки руҳий ташбеҳ . . . . . 103
Аҳмад Яссавий . . . . . 104
Шайх Шиблий ва ит борасида . . . . . 106
«Ялпиз тиккаядир...» . . . . . 107
Ҳиссий шеър . . . . . 108
Изоҳсиз луғат (достон) . . . . . 109
Истеҳзо . . . . . 133

Литературно- художественное издание

**Абдували Кутбиддин**

**СЧАСТЛИВЫЙ ГОД**

Стихи

Художник **А. Мамажонов**

Ташкент, издательство литературы и искусства им. Г. Гуляма

На узбекском языке

Адабий- бадиий нашр

**Абдували Қутбиддин**

**БАХТЛИ ЙИЛ**

Шеърлар

Муҳаррир Муҳамад Юсуф
Расмлар муҳаррири А. Бобров
Техн. муҳаррир Р. Рахматуллина
Мусаҳҳиҳ Д. Абдуллаева

ИБ № 4309

Босмахонага берилди 04.04.90. Босишга рухсат этилди 10.01.91. Формати 70×90¹/₃₂. Босмахона қоғози №2. Адабий гарнитура. Юқори босма. Шартли босма л. 4,97. Шартли кр - оттиск 5,27. Нашр л. 5,2. Тиражи 10000. Заказ 1357. Баҳоси 1 с. 50 т. Шартнома 271-89.

Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти 700129. Тошкент, Навоий кўчаси, 30.

Ўзбекистон ССР матбуот давлат комитети «Матбуот» матбаа ишлаб чиқариш бирлашмасининг Бош корхонаси. 700129. Навоий кўчаси, 30.